*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2016 йил 12 январь • сешанба № 1-2 (997-998)

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz | www.insonvaqonun.uz | www.insonvaqonun.adliya.uz

2016 йил — Соғлом она ва бола йили



## 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

# Она-ватанимиз ҳимоясининг мустаҳкам таянчи



**ВАТАН ҳимоячилари куни ҳамда Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг йигирма тўрт йиллиги байрами арафасида турибмиз. Бу кунни энг улуғ ва энг азиз байрамларимиз сингари катта шодиёналар билан нишонлаш, яна бир муҳим томони ўзида эзгу ғоя ва чуқур маъно-мазмун касб этган шиорлар остида кенг қамровли ташкилий-амалий, маънавий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот тадбирларини мужассам этган ватанпарварлик ойлиги миқёсида қарши олиш яхши анъанага айланган. Зеро, Ватан ҳимоячилари куни биз учун энг улуғ айём — Мустақиллик байрами каби қалбимиздан чуқур жой олган.**

Бу йилги Ватан ҳимоячилари кунини ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондонининг 2015 йил 9 декабрдаги **"Ватан ҳимоячилари кунини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"**ги Фармойишига асосан мамлакатимиз миқёсида "Таянчим ва суянчим, фахру ифтихоримсан, муқаддас Ватан!" шиори остида кенг нишонламоқдамиз.

Мустақиллик йилларида Қуролли Кучларимиз шиддат билан ривожланди ва бу жараён изчиллик билан давом этмоқда. Миллий армиямизни ташкил этиш ҳамда ислоҳ қилишга доир қонун ҳужжатлари меъёрлари ҳаётда ўз ижросини топди ва бугун энг тинчликсевар мақсадларда фақат мудофаа учун фаолият кўрсатадиган Ўзбекистон армияси шаклланди. Бу оддий ҳақиқатни Қуролли Кучларимизнинг нуфузи ва қудратидан фахр-ифтихор туйиб, юз-кўзларидан кўтаринки руҳ ва миллий ғурур уфуриб турган ҳарбий хизматчиларнинг, Қуролли Кучлар сафида муқаддас бурчини ўтаб қайтган ёки хизматга боришга шайланаётган минг-минглаб йигитлар, уларни дуолари билан қўллаб-қувватлаётган ота-оналару ёши улуғ кексаларимизнинг, севимли ёрининг хизматдан қайтишини интиқ кутаётган иффатли келинларнинг, ҳарбий акаларига ўхшаб Ватанига содиқ фарзанд бўлиш иштиёқида униб-ўсиб келаётган ёш авлоднинг, қўйингки, бутун халқимизнинг байрамона кайфиятидан ҳам яққол сезиш мумкин.

Таъкидлаш ўринлики, 1991 йил 31 август куни халқимиз мустақилликни, таъбир жоиз бўлса, ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмаслик, ҳеч кимдан кам бўлмаслик, ўз кучи, билими ва салоҳиятига таяниб, ўз тақдири ва тараққиёт йўлини белгилашдек мутлақ ҳуқуқни, истиқлолга эришиш ва бу орқали фаровон кунларга етиш истаги армон бўлиб ўтиб кетган аждодларимизнинг асрий орзу-умидларини амалда рўёбга чиқариш ҳуқуқини қўлга киритди. Албатта, ўзининг бундай ҳуқуқларини авайлаб-асрай олмайдиган, ҳимоя қила олмайдиган халқни том маънода мустақил, деб бўлмайди.

Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги "Асосий вазифамиз — жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат" номли маърузасида таъкидлаганидек, *"Олдимизда турган улкан вазифаларни, амалга ошираётган ислоҳотларимизни янада чуқурлаштириш ва мантиқий якунига етказиш биз учун олдин ҳам осон бўлмаган, бугун ҳам катта синовдир. Лекин шу борада ишончим комил, мустақил, озод ва эркин, демократик давлат ва фаровон жамият қуриш, ҳеч кимга қарам бўлмасдан, ялинмасдан яшаш имконияти халқимизга юз йилларда бир марта берилади.*

Айни шундай тарихий имкониятни қўлимиздан чиқариш — бу нафақат бугунги авлодимиз, балки келажак авлодлар олдида ҳам хиёнат бўлур эди. Бундай имкониятни биз ҳеч қачон ҳеч кимга бермаймиз".

Ҳуқуқларимизни ишончли ҳимоя қилиш истиқлолни, эркинлигу ҳурлигимизни ҳимоя қилиш деганидир. Зеро, мустақиллик аталмиш энг улуғ орзуларимиз рўёби мужассам бўлган буюк неъматни асраш ҳар биримизнинг зиммамиздаги муқаддас бурч ҳисобланади.

Бу борада она-Ватанимиз мудофааси йўлида фаолият юритаётган Қуролли Кучларимиз ва унинг сафларида туну кун хизмат қилаётган ҳарбий хизматчиларимиз алоҳида эътирофга лойиқ.

Яхши эслаймиз. Президентимизнинг бевосита ташаббуси ва раҳбарлиги остида 1992 йил 14 январда қабул қилинган Парламентнинг тарихий аҳамиятга молик қарори билан мамлакатимиз ҳудудидаги барча ҳарбий тузилмалар Ўзбекистон тасарруфига ўтказилди.

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида Қуролли Кучларимизга бағишланган бош ҳуқуқий асослар ўз ифодасини топди ва у фақат давлатимиз суверенитети ҳамда ҳудудий яхлитлигини, халқимизнинг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун ташкил этилиши белгилаб қўйилди.

Истиқлол туфайли бугун давлатимиз ўз хавфсизлигини таъминлаш учун етарли даражада Қуролли Кучларига эга, эришилган мустақиллик, озодлик, эркинлик ва тенглик каби ҳуқуқларимизни ҳимоя қилишга қодир миллий армиямиз бор.

3 ▶

---

**Янги Қонун кучга кирди**



# Электрон ҳукумат

### жамият, давлат ва фуқаро ўртасида самарали алоқа тизими

**РИВОЖЛАНГАН ва адолатли жамиятда электрон ҳукумат тизими муҳим аҳамият касб этади. Сабаби, давлат органлари ёки уларнинг мансабдор шахслари билан фуқаролар ўртасидаги ахборот алмашинуви, амалий мулоқоти айнан мана шу тизим орқали амалга оширилади. Бунинг учун эса, биринчи навбатда, ижтимоий ҳаётга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш масаласи ҳал қилиниши керак. Ўзбекистонда жамиятни демократлаштириш, мамлакатни модернизациялашнинг бош ва муҳим омилларидан бири сифатида ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш ҳамда кундалик ҳаётимизга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш муҳим вазифа, деб қаралади.**

**Президентимизнинг 2013 йил 27 июндаги "Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ 2013-2020 йилларда мамлакатимизда телекоммуникация технологиялари, тармоқлари ва алоқа инфратузилмасини ривожлантириш дастури тасдиқланди. Ушбу Қарор ижросини таъминлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузурида янги тузилмалар — Электрон ҳукумат тизимини ривожлантириш маркази ва Ахборот хавфсизлигини таъминлаш маркази ташкил этилди. Электрон ҳукумат тизимини ривожлантириш маркази фаолияти мамлакатимизда давлатнинг аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан электрон ҳамкорлик тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини ишлаб чиқишга қаратилган. Давлат органларида фойдаланиладиган маълумотлар базаси ва ахборот-ресурсларини лойиҳалаштириш, ишлаб чиқиш ва бирлаштириш механизмини назарда тутадиган ушбу тизимни шакллантиришга ягона технологик ёндашувни таъминлайдиган мазкур марказ бу борадаги жаҳон тенденциялари ҳамда хорижий мамлакатлар тажрибасини таҳлил ва тадқиқ этади.**

**Мамлакатимизда электрон ҳукуматни шакллантириш учун кўплаб амалий ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилган бўлса-да, электрон ҳукумат иштирокчиларининг муносабатларини тартибга солувчи ягона қонун қабул қилинмаган эди.**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2015 йил 3-4 декабрь кунлари бўлиб ўтган навбатдаги ялпи йиғилишида 2015 йил 18 ноябрда Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги Қонун маъқулланди. Президентимиз томонидан имзоланган мазкур Қонун 2015 йил 10 декабрь куни "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталарида расмий эълон қилинди.**

**Газетамизнинг бугунги сонида Олий Мажлис Сенати аъзоларининг ушбу Қонун мазмун-моҳияти, унинг жамият ва давлат ҳаётидаги аҳамияти ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан яқиндан танишасиз.**

4 ▶

---

**Мезон**

# Паспорт — бу ҳужжат

### уни эҳтиёт қилинг

**БИОМЕТРИК ҳужжат автоматлаштирилган биометрик паспорт тизими жорий этилган Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ИИБ ҳамда уларнинг шаҳар, туман ИИБ ХЧК ва ФР хизматлари томонидан расмийлаштирилади.**

Паспорт қуйидаги ҳолатларда:

Ўзбекистон Республикаси фуқароси 16 ёшга тўлганда;

16 ёшга тўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси чет элга чиқаётганида;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги олинганда;

паспортнинг амал қилиш муддати тугаганида;

фамилияси, исми, отасининг исми, миллати, туғилган санаси ўзгарганида;

ёзувларда ноаниқликлар ва хатолар мавжудлиги аниқланганида;

рўйхатга олиш (рўйхатдан чиқариш), алоҳида маълумотлар ёки визалар учун мўлжалланган бетлар ишлатилиб бўлинганида;

паспорт бланкаси яроқсиз ҳолга келганида;

паспорт йўқотиб қўйилганида;

Ўзбекистон Республикаси фуқароси томонидан биометрик бўлмаган паспортни биометрик паспортга алмаштириш истаги билдирилганида расмийлаштирилади.

Фуқаро паспортни авайлаб-асраши шарт. Паспорт йўқолгани ҳақида фуқаро доимий қайд этилган жойидаги ички ишлар идораларига ёки Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатия ёхуд консуллик муассасасига дарҳол хабар қилиши лозим. Улар эса фуқаронинг аризасига биноан белгиланган намунадаги маълумотнома беради.

— Паспортсиз ёки ҳақиқий бўлмаган паспорт билан қайд эттирмай яшаганлик учун, паспортни атайлаб яроқсиз ҳолга келтирганлик ҳамда паспортлардан ғаразли мақсадларда фойдаланганлик, паспортни сақламай уни йўқотганлик учун;

— паспорт тизими қоидаларига риоя қилинишига масъул бўлган шахслар томонидан фуқароларнинг паспортсиз ёки ҳақиқий бўлмаган паспорт билан ёхуд қайд этмай яшашига йўл қўйгани учун;

— мансабдор шахслар паспортсиз ёки паспорти ҳақиқий бўлмаган фуқароларни, шунингдек, қайдсиз яшаётган фуқароларни ишга қабул қилгани учун;

Мансабдор шахслар фуқароларнинг паспортини ноқонуний тарзда олиб қўйгани ёки паспортни гаровга олиб қолгани учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**Нодир ЗИЯЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси ИИВ ХЧК ва ФРБ паспорт бўлими бошлиғи, подполковник**

"INSON va QONUN" ҳуқуқий газетасига обуна бўлинг!
Обуна индекси – 137. website: minjust.uz
e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz Тел/факс: 256-60-85

"HUQUQ va BURCH" ижтимоий ҳуқуқий журналига обуна бўлинг!
Обуна индекси – 902. website: huquqburch.uz
e-mail: info@huquqburch.uz Тел/факс: 256-84-24

"Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами" ҳафталик расмий нашрига обуна бўлинг!
Обуна индекси – 949. website: adolatnashr.uz
e-mail: adolatnashr@minjust.gov.uz Тел/факс: 268-28-45

"Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами" расмий нашрига обуна бўлинг!
Обуна индекси – 916. website: adolatnashr.uz
e-mail: adolatnashr@minjust.gov.uz Тел/факс: 268-28-45

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг **www.adliya.uz** расмий веб-сайти орқали Сиз фаолиятга оид батафсил маълумотлар билан танишишингиз мумкин.

## 2016 йил — Соғлом она ва бола йили

# Соғлом бола соғлом оилада камол топади

* * *

МАМЛАКАТИМИЗДА ёш авлодни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларни маънавий ва жисмоний жиҳатдан баркамол шахс этиб тарбиялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган масаладир. Давлатимиз раҳбари 2016 йилни "Соғлом она ва бола йили", деб эълон қилар экан: **"Соғлом бола соғлом ва аҳил оиланинг меваси бўлиб, фақатгина соғлом онадан соғлом бола туғилади. Асрлар давомида ўз тасдиғини топган бу ҳақиқатни тушунтириб, изоҳлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман"**, дея алоҳида таъкидлади.

Юртбошимизнинг ушбу сўзларида бола тарбиясида оиланинг ўрни беқиёс эканлиги қайд этилиб, бунда ота-онанинг бола тарбияси учун, айниқса, соғлом бола камолоти учун масъулияти юқори эканлиги ифодаланган.

Ҳақиқатан, оила мустаҳкамлиги, фарзандлар камоли ва тарбиясини аёл иштирокисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Давлатимиз раҳбари томонидан "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурини ишлаб чиқишда ҳам биринчи навбатда, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилада соғлом муҳитни кучайтириш, соғлом болани тарбиялашда уларнинг ролини ошириш, хотин-қизлар саломатлигига эътибор берган ҳолда соғлом оилаларни шакллантириш, аёллар ва қизлар спортини ривожлантириш ва шулар асносида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш каби бир қатор масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги белгиланди.

Қолаверса, ушбу дастурда никоҳга кираётган шахсларнинг никоҳдан олдин тўлиқ тиббий кўрикдан ўтишини таъминлаш, бу борада тиббиёт ходимларининг масъулиятини кучайтиришга ҳамда соғлом бола туғилиши учун ёш оналар парваришига аҳамият қаратиш зарурлиги таъкидланган. Шунингдек, мамлакатимизда тинчлик, осойишталик ва фаровонликни янада мустаҳкамлашнинг муҳим шарти сифатида оилаларда соғлом маънавий муҳитни яратиш, айниқса, қишлоқ жойларда уларнинг меҳнат ва ўқиш шароитларини яхшилаш, аёлларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш, қиз болалар, яъни бўлажак оналарни жисмонан соғлом ва интеллектуал ривожланган тарзда шакллантириш, энг муҳими, уларни келажакда соғлом ва мустаҳкам оила қуришга тайёрлаш вазифалари белгиланган.

Бундан кўриниб турибдики, бугун жамият тараққиёти ва равнақи йўлида олиб борилаётган кенг кўламли ишларда ҳам аёлларнинг алоҳида ўрни бор.

Аёлнинг оила муҳитига ижобий, ижтимоий таъсири ўз-ўзидан оилавий маданиятни яхшилаш ва уни юксалтиришга хизмат қилади. Эр-хотин ва фарзандлар ўртасидаги муҳитнинг уйғунлиги оилада мустаҳкам муносабатни вужудга келтиради. Шунинг учун соғлом оила муҳитини шакллантириш, айниқса, келажак бешигини тебратувчи бўлажак оналаримиз-қизларимизга муносиб тарбия бериши муҳим аҳамият касб этади.

**Феруза ХИДОЯТОВА,**
**Шайхонтоҳур туман 2-сон давлат нотариал идораси нотариуси**

* * *

ХАЛҚИМИЗДА қадимдан оилага муқаддас даргоҳ сифатида қаралган. Чунки оила нафақат ҳаёт абадийлигини, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган гўша, балки давлат ва миллат келажагини белгилайдиган қўрғон ҳамдир.



Шу боис оилани мустаҳкамлаш нафақат мамлакатимизда, балки бутун жаҳонда сиёсат даражасига кўтарилган масалалардан бири ҳисобланади. Буни БМТ Бош Ассамблеясининг 1993 йил 20 сентябрдаги ялпи йиғилишида 1994 йилдан бошлаб 15 май — Халқаро оила куни, деб белгиланганидан ҳам билиб олиш мумкин. Бундан кўзланган мақсад инсоният диққат-эътиборини одамларнинг ўз орзу-умидлари, бахт-саодати ҳамда тинчлигини таъминлайдиган маскан — оиланинг мустаҳкам бўлишига қаратишдан иборатдир.

Бугунги кунда оилани мустаҳкамлаш, никоҳдан ажралиш ҳолатларини камайтириш борасида дунё олимлари томонидан изланишлар олиб борилмоқда. Масалан, Европа психологлар уюшмаси томонидан ўтказилган тадқиқотлардан маълум бўлишича, эрта турмуш қурган ёшларнинг деярли барчасида узоқ муддатли руҳий сиқилиш кузатиларкан. Бундан ташқари, бу ёшга хос ўйинқароқлик, қизиққонлик ва бошқа жиҳатлар оила масъулиятини ҳис қилишга тўсқинлик қилиши, бу эса никоҳнинг келажагига хавф солиши аниқланган. Кейинги пайтларда Ғарб мамлакатларида кўпайиб бораётган ажралишлар шу билан изоҳланган.

Европалик социологлар эса эрта турмуш қуриш оилаларнинг емирилишига сабаб бўлаётган хатарлардан бири, дея эътироф этишмоқда. Аниқланишича, бундай никоҳларнинг салкам 82 фоизи ажралиш каби нохуш ҳолатлар билан тугаркан.

Республика "Оила" илмий-амалий маркази томонидан ўтказиб келинаётган социологик тадқиқотларнинг хулосаларида таъкидланишича, никоҳдан ажрашишнинг асосий сабабларидан бири бу — эрта никоҳларнинг қайд этилишида экан. Шу сабабли улар никоҳ ёшини узайтириш лозимлигини таъкидлаганлар.

Шу ўринда яна бир маълумот, ўлик туғилган болалар ва пренатал ўлимларнинг аксарияти, айнан 16-18 ёшда ҳомиладор бўлган аёллар эканлигини кўриш мумкин.

Юртимизда соғлом оилани шакллантириш учун шарт-шароитлар яратиш, ирсият билан боғлиқ ва туғма касалликларга чалинган болалар туғилишининг олдини олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги қарори билан "Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида"ги Низом тасдиқланган. Ушбу ҳуқуқий ҳужжатда белгиланган вазифаларни амалга оширишга қаратилган аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида кенг кўламли тарғибот тадбирлари ўтказиб келинмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида Жондор туман ФҲДЁ бўлими, туман ҳокимлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, соғлиқни сақлаш, маҳаллалар ҳамда бошқа манфаатдор муассаса ва ташкилотлар билан ҳамкорликда "Эрта турмуш қуришнинг салбий оқибатлари", "Қариндош — уруғлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олишда жамоатчилик ўрни" каби мавзуларда 50 дан ортиқ тарғибот тадбирлари, 10 дан ортиқ оммавий ахборот воситалари орқали чиқишлар амалга оширилган.

Бундан ташқари, фуқаролар йиғинлари ҳузуридаги "Ота-оналар университети", ФҲДЁ қошидаги "Оила дорилфунуни" томонидан мунтазам ўтказилаётган тарғибот тадбирлари бу борадаги долзарб масалаларни ўз вақтида бартараф этишга хизмат қилмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар натижасида ота-оналар томонидан никоҳ ёшига етмаган фарзандини эрта турмушга узатиш ёки уйлантиришга оид 41 та ҳолат аниқланиб, тушунтириш ишларидан сўнг эрта никоҳ қуришнинг олди олинди.

Бир сўз билан айтганда, юртимизда амалга оширилаётган бундай саъй-ҳаракатларнинг барчаси соғлом оилани шакллантириш ва оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш учун хизмат қилмоқда.

**Ғайрат АХАТОВ,**
**Жондор туман ФҲДЁ бўлими инспектори**

* * *

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ томонидан 2016 йил **"Соғлом она ва бола йили"**, деб эълон қилиниши замирида чуқур маъно ва мазмун бор. Зотан, соғлом онадан соғлом фарзанд туғилиши бугун барчага аён.

Албатта, оила мустаҳкамлигини таъминлаш, она ва бола саломатлигини ҳимоялаш ҳақида гап кетганда, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги **"Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"**ги қарори ҳамда давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 1 августдаги **"2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида"**ги Қарори бу йўналишдаги ишларни янада юқори босқичга олиб чиқишда муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлаш керак.

Ушбу дастур аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлиқни сақлаш тизимининг барча босқичларида оналар ва болалар соғлигини сақлаш бўйича сифатли тиббий хизматлардан кенг фойдаланишни таъминлашга хизмат қилмоқда.

ФҲДЁ бўлимлари томонидан никоҳланувчи шахслар тиббий кўрикдан ўтиш учун яшаш жойидаги тегишли тиббиёт муассасаларига юборилади.

Тиббий кўрикнинг аҳамиятини кенг жамоатчиликка, айниқса, ёшлар онгига сингдиришда тарғибот тадбирлари муҳим аҳамият касб этади.

Бироқ баъзи ҳолларда қизларнинг эрта турмушга чиқиши, туғуруқлар оралиғидаги мақбул муддатга риоя этмаслик, никоҳдан олдинги тиббий кўрикка бепарволик билан қараш каби ҳолатлар ҳам кузатилмоқда.

Халқаро тиббий статистика маълумотига кўра, дунёда ҳар юз йигирма нафар чақалоқдан биттаси юрак нуқсони билан туғилмоқда экан. Бунга ирсий омиллардан ташқари, қариндошлар ўртасидаги никоҳ ҳам сабаб бўларкан.

Шу боис Оила кодексининг 16-моддасида никоҳ тузишга монелик қилувчи ҳолатлар қаторида, қариндошлар ўртасида никоҳ тузишга йўл қўйилмаслиги аниқ белгилаб қўйилган.

Олиб борилаётган турли тарғибот тадбирларидан мақсад айрим ота-оналарни огоҳликка чақириш. Бу сўзлар кеча ёки бугун айтилган гаплар эмас. Халқимиз азалдан соғлом фарзандлар туғилишига эътибор бериб келган. Зотан, соғлом фарзанд нафақат келгуси авлод давомчиси, балки миллатнинг бахтидир.

**Фирдаус САФАРОВ,**
**Тошкент вилоят адлия бошқармаси масъул ходими**


**Реклама ўрнида**

## Тараққиёт омиллари

# "Асака" банк — тадбиркорлар таянчи

ЮРТИМИЗДА тинчлик, бунёдкорлик залвори ҳукмрон. Халқ фаровонлигини янада оширишда бошқа соҳалар каби банкларнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Бу борада Жиззах вилоятида ҳам катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилмоқда. Юртимиз дунё ҳамжамиятининг диққат-эътиборида турган бир пайтда бизда катта ишлаб чиқариш салоҳиятига эга бўлган корхоналар барпо этилиб, кенг миқёсли фаолияти йўлга қўйилмоқда. Дунё нуфузига эга бўлган корхоналарнинг иш фаолиятини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, пул тўловларининг тезкорлигини таъминлаш "Асака" акциядорлик тижорат банки Жиззах вилоят филиали зиммасига катта масъулият юклайди.

Мазкур молия муассасаси ташкил этилгандан бери ҳаётимиз фаровонлигини оширишга катта имкониятлар яратилди. Банк филиали орқали кўрсатилаётган хизмат турлари йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Янги банк маҳсулотларини жорий этиш, уларнинг сифатини яхшилаш борасида аниқ мақсадли ишлар қилиниши билан бирга юртимизнинг энг ишончли банкларидан бири сифатида нафақат республикамизда, балки бутун дунёда тан олинаётганлиги қувонарли ҳолдир.

"Асака" банк Жиззах вилоят филиали мижозларга барча турдаги банк хизматларини кўрсатиб келмоқда. Аҳолидан ва юридик шахслардан жалб этилган маблағларни иқтисодиётнинг реал секторига самарали йўналтириб, бу маблағларни омонатчилар, мижозлар ва акциядорларнинг манфаатларига мос равишда кўпайтириб бормоқда.

Банк филиали кредит портфели ҳажми 2016 йил 1 январь ҳолатига 133,8 миллиард сўмдан ошди. Кредит қўйилмаларининг асосий қисмини узоқ муддатли кредитлар ташкил этади.

Банк филиали жамоаси иқтисодиётнинг барча тармоқларини янада ривожлантириш билан бир қаторда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда.

2015 йил давомида банк филиали томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга жами 55,7 миллиард сўм миқдорида кредит ажратилди.

Банк филиали тадбиркор аёллар томонидан таклиф этилган лойиҳаларни молиялаштириш, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш орқали уларнинг республикамиз иқтисодий ва ижтимоий соҳаларидаги ўринларини янада мустаҳкамлаш ҳамда уларнинг келгусидаги ривожланиш жараёнларига ўз ҳиссасини қўшиш мақсадида имтиёзли шартларда жами 14,0 миллиард сўм миқдорида кредит ажратилди.

Ажратилган кредитларнинг асосий қисми саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш тармоқларини ривожлантиришга йўналтирилди. Бу орқали янги иш ўринлари ташкил этилиб, хотин-қизларни, айниқса, ёшларни, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш масалалари ҳал этилганлиги, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитлари яхшиланганлиги алоҳида таҳсинга сазовор.

Бугунги кунда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш, уларни иш билан таъминлаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимиз томонидан тадбиркорликни ривожлантириш учун яратилган имтиёзлардан самарали фойдаланиш учун барча имкониятлар мавжуд. "Асака" банк Жиззах вилоят филиали мутахассислари касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш мақсадида ташкил этилган турли анжуман ва тадбирларда фаол иштирок этмоқдалар, ёш тадбиркорларга имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилмоқда.

Тадбиркорлик субъектларининг молиявий ва моддий-техникавий салоҳияти тубдан мустаҳкамланмоқда. Зомин туманидаги "JIZZAX POULTRY" масъулияти чекланган жамиятининг банк билан молиявий соҳалардаги ҳамкорлиги буни яққол исботлайди. Паррандачиликка ихтисослашган корхона банкнинг кредит сармояси туфайли қаддини тиклабгина қолмасдан, босқичма-босқич ривожланишга ҳам муяссар бўлаяпти. Банкдан олинган кредит маблағи эвазига яқинда бу ерда яна 80 та янги иш ўрни яратилди. Энг муҳими, етиштирилган тухум ва парҳез гўшти бозорда бу хил маҳсулотлар нархининг пасайиши, сифат кўрсаткичларининг эса ортишига олиб келаяпти.

Хулоса қилиб айтганда, "Асака" банк Жиззах вилоят филиали томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ҳар томонлама қулайликлар яратиш муҳим устувор вазифалардан саналади. Банк филиали жамоаси мазкур соҳанинг ривожи иқтисодий муваффақиятлар учун асосий омиллардан бири эканини яхши англаган ҳолда ўз фаолиятларини йўлга қўйганлар. Шунинг учун ўзларининг истиқболдаги тараққиётини белгилаб олишда масаланинг ана шу томонини назардан қочирмасликка интилаётганларини кўриш мумкин. Натижада республика иқтисодиётининг ҳар томонлама ўсиши учун мавжуд қулай шарт-шароитлар замирида фаолиятнинг самарадорлигига эришилмоқда.

* * *

**Хуршид НОРҚУЛОВ,**
**"ZOMIN SEMENT" масъулияти чекланган жамияти раҳбари:**

— Банклар иқтисодиётнинг қон-томирларига қиёсланиши бежиз эмас. Банклар ўз молиявий маблағлари ёрдамида иқтисодиёт ривожланишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Банкларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашлари биз учун айни муддао бўлмоқда. Бу соҳада "Асака" банкнинг фаолияти таҳсинга сазовордир. Банк сармоялари тадбиркорлик субъектлари фаолияти ривожига катта мадад бўлмоқда.

Бугун мамлакатимизда кичик корхона очиб, маҳсулот ишлаб чиқаришни ёки хизматлар кўрсатишни ташкил қилаётган тадбиркорларимиз сафи кундан-кунга кенгайиб бормоқда. Бунинг сабаби эса мамлакатимизда ишбилармонлик ҳаракатига давлатимиз раҳбари ва ҳукумат томонидан барча қулайликлар яратиб берилаётганида, деб биламан.

Цемент ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхонамизнинг ташкил этилишига ҳам ана шу эътибор ва рағбат туртки бўлди.

Ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги замонавий ускуналар билан жиҳозлаш мақсадида кредит олиш учун банкнинг Жиззах вилоят филиалига мурожаат этдик. Банк ходимлари бизнинг талабимизни қисқа муддатда кўриб чиқиб, кредит ажратиш бўйича қарор қабул қилди. Банк кредити ҳисобига цемент ишлаб чиқариш биноси қурилиши учун қурилиш материаллари сотиб олиб, бунёдкорлик ишларини амалга оширдик. Ҳозирда жаҳон стандартлари талабига жавоб берадиган юқори сифатли цемент маҳсулотлари ишлаб чиқармоқдамиз. Банк кредитлари туфайли қўшимча 80 та янги иш ўрни яратилади. Жорий йилда юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариб, истеъмолчиларга етказдик.

Бизнинг бу эришган муваффақиятларимизда "Асака" банкнинг улуши беқиёсдир. Биз "Асака" банк жамоасига ўз миннатдорчилигимизни билдириб, уларнинг келгуси ишларида муваффақиятлар тилаймиз.

**Улуғбек МЎМИНОВ,**
**"PRODUCTION AND DELIVERY" масъулияти чекланган жамияти бошлиғи:**

— Президентимизнинг ташаббуси билан республикамизда қурилиш ишлари, айниқса, шаҳарсозлик улкан даражада ривожланмоқда. Шу сабабли қурилиш материалларига бўлган талаб ортиб бормоқда. Шундай бир шароитда "Асака" банкнинг қўллаб-қувватлаши натижасида қурилиш учун жуда муҳим бўлган пишган ғишт ишлаб чиқаришни ривожлантиришга бел боғладик.

"Асака" банкнинг Жиззах вилоят филиалидан қурилиш материаллари ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш учун имтиёзли шартларда узоқ муддатли кредит олдик. Банкнинг кредит маблағлари ҳисобига хориждан замонавий ускуналар олишга ва ишлаб чиқариш биносини замонавий лойиҳа асосида реконструкция қилишга эришдик. Корхонамизда истеъмолчилар талабига мос ғишт ишлаб чиқарилмоқда, шунингдек, 8 та янги иш ўрни яратилиб, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ишга қабул қилинди.

Таъкидлашим лозимки, "Асака" банк хизматидан баҳраманд бўлаётган ҳар бир мижоз, кўрсатилаётган тезкор ва сифатли хизматлардан, айниқса, мижозларга бўлган самимий муносабатлардан қувонмаслиги мумкин эмас. "Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун" шиори айнан ушбу банк ходимлари учун айтилгандек.

Бир сўз билан айтганда, "Асака" банкнинг ҳар томонлама мадади бизнинг жамиятимиз фаолиятига муҳим кўмак бўлмоқда. Бундан кейин ҳам банк ҳамкорлиги ва кўмагида хайрли ва эзгу ишларга муносиб ҳисса қўшишга ҳаракат қиламиз.

**Муҳиддин ХАЗРАТҚУЛОВ,**
**"Орзу Текстиль" масъулияти чекланган жамияти раҳбари:**

— Республикамизда тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектлари учун чексиз имкониятлар яратилмоқда. Иқтисодиётнинг бир меъёрда ўсиш, мамлакатимиз бозорлари турли маҳсулотлар ва хизматлар билан бойиётганлиги ҳамда аҳолининг турмуш тарзи кундан-кунга яхшиланиб бораётганлиги бунинг далилидир. Ҳозирги кунда ички ва ташқи бозорларга товарлар ва хизматлар етказиб беришда тадбиркорлик субъектлари ўртасида ниҳоятда кучли рақобатни кузатиш мумкин. Айниқса, жадал суръатларда ривожланиб бораётган саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳаси мамлакатимиз иқтисодиётининг негизига айланиб бормоқда.

Биз ҳам шу соҳа орқали фаолият юритиб, иқтисодиётимиз ривожига кўмаклашиш, аҳоли ва ишбилармонларнинг шу соҳадаги эҳтиёжларини қаноатлантириш мақсадида ўз корхонамизни ташкил этдик ва ҳисоб рақамимизни "Асака" банкнинг Жиззах вилоят филиалида очиб, фаолиятимизни йўлга қўйдик.

Корхонамиз фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида бизнес-режа туздик. Бизнес-режани амалга ошириш учун "Асака" банкга мурожаат этдик. Банк томонидан бизнес-режамиз истиқболли деб топилиб, қисқа муддатда корхонамизга кредит ажратиш бўйича ижобий қарор қабул қилинди.

Эътиборлиси шундаки, банк ходимлари ўз ишининг устаси эканлиги, тадбиркорларга турли иқтисодий тушунтиришлар ва билимларни таклиф қилиши, ҳужжатларни сусткашликка йўл қўймасдан биз кутгандан-да тез суръатларда тайёрлашганлиги бизнинг мўлжаллаган лойиҳамиз амалга ошишини янада тезлаштириб юборди.

Банкдан олинган кредит ҳисобига хориждан замонавий тўқув ва тикув ускуналари олиб келинди. Шу билан бирга янги лойиҳамиз натижасида 100 тага яқин янги иш ўринлари ташкил этилди.

Ҳозирги кунда корхонамиз томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар четдан кириб келувчи маҳсулотлар билан бемалол рақобатлаша олиши сабабли харидоргир ҳисобланади. Корхонамиз талабга мос сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариши ва мижозлари кўплиги билан бошқа корхоналардан ажралиб туради.



Бизнинг бундай муваффақиятга эришишимизда "Асака" банкнинг кўмаги катта эканлигини таъкидлашимиз лозим. Банкдаги амалиёт жараёнларига юқори малакали ходимларнинг жалб қилинганлиги, банк ходимлари томонидан мижозлар маблағларини иқтисодий тушунтиришлар орқали тўғри йўналтирилишига беминнат ёрдам кўрсатилаётганлиги таҳсинга сазовор.

Биз "Асака" банк хизматларидан миннатдормиз. Корхонамизнинг фаолият юритишида "Асака" банк кўмагида бундан-да истиқболли лойиҳаларни амалга оширишга бел боғлаганмиз.

**Диёр НИЯЗҚУЛОВ,**
**"Боғдон чорва барака" масъулияти чекланган жамияти раҳбари:**

— Зарур моддий пойдевор тадбиркорлик фаолиятининг гарови ва асоси эканлигини коллеж таълимини олаётган пайтдаёқ англаб етган эдим ва шу йўлдан боришга қатъий аҳд қилдим. Сирасини айтганда, тадбиркорлик мақомига эришиш учун анча узоқ фурсат зарур, деган фикрни талабалик даври охиригача онгимдан чиқара олмай келдим. Аммо ўқиш охирлаб қолганида ҳеч кутилмаганида катта ва мустақил ҳаёт бағрига кириб келаётган биз каби ёшларни бевосита "Асака" банк ходимларининг ўзлари йўқлаб келгани ва тадбиркорлик фаолиятига орзуманд битирувчиларга кредит маблағи таклиф этгани бу борадаги фикрларимни ўзгартириб юборди.

Жиззах транспорт касб-ҳунар коллежини тамомлаганимдан сўнг юртимизда тадбиркорликни ривожлантиришга яратилган қулай шарт-шароитлардан руҳланиб, мен ҳам тадбиркор бўлай деб, яхши ниятлар билан халқимиз дастурхонини арзон гўшт ва сут маҳсулотлари билан тўлдиришга астойдил бел боғладим ва ота-онам билан маслаҳатлашиб, чорвачиликни ривожлантиришга аҳд қилдим. Шу мақсадда вилоятимизда нуфузли банклардан бири бўлган — "Асака" банкнинг Жиззах вилоят филиалига мурожаат қилдим. Банк маъмурияти тез фурсатда зарур бўлган кредит маблағини ажратиб берди. Ушбу кредит маблағи ҳисобига зотдор қорамоллар сотиб олиб, ўз фаолиятимни бошладим, бунинг натижасида 6 та янги иш ўрни яратилди.

Келгусида сутни қайта ишлаш линияларини олиб келиб ўрнатиш ва халқимиз дастурхонини янада фаровон ва тўкин қилишга ўз ҳиссамни қўшишни ният қилиб турибман. Бунинг натижасида иш ўринлари сони 10 тага кўпайиб, қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш имконияти яратилади. Албатта, бу борада "Асака" банк бизнинг яқин ва ишончли ҳамкоримиз, доимий мададкоримиз бўлиб қолади.

Мен "Асака" банкнинг мижози эканлигимдан, қолаверса, ҳозирги кунда юртимиз аҳолиси дастурхонини сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш бўйича мамлакатимизда олиб борилаётган улкан ишларда ўзимнинг камтарона меҳнатим билан иштирок этаётганлигимдан ғоят мамнунман.

**(Ўз мухбиримиз)**

## 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

# Она-ватанимиз ҳимоясининг мустаҳкам таянчи

**(Давоми. Боши биринчи бетда)**

Шундай қилиб истиқлол йилларида Бош қомусимиз ва унинг асосида Ўзбекистон Республикасининг **“Мудофаа тўғрисида”**ги, **“Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”**ги, **“Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида”**ги, **“Фуқаро муҳофазаси тўғрисида”**ги, **“Терроризмга қарши кураш тўғрисида”**ги, **“Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида”**ги қонунлари, Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепцияси, Президентимиз Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисида”ги низом, Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сафарбарлик чақируви резервидаги хизматини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва соҳага доир бошқа қонун ҳужжатлари қабул қилиндики, бу билан Қуролли Кучларимиз ташкил этилиши, тузилиши ва ривожланишига доир миллий қонунчилик базаси шаклланди, армиямизнинг ҳуқуқий мақоми янада мустаҳкамланди.

Мустақиллик йилларида ҳарбий хизматни такомиллаштириш ва ислоҳ қилиш бўйича ҳам улкан ишлар амалга оширилди. Янги таҳрирдаги **“Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”**ги Қонун билан муддатли ҳарбий хизмат уни оддий аскарлар ва сержантлар лавозимларида ўтаётган ҳарбий хизматчилар учун 12 ой (олий маълумотли шахсларга 9 ой) қилиб белгиланиши, сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизмат тури амалга киритилиши, йилига бир маротаба — феврал-март ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақириш ва уни ўтаб бўлган фуқароларни Қуролли Кучлар резервига март-апрель ойларида бўшатиш тартиби жорий этилиши натижасида армиямиздаги ахлоқий-руҳий ва маънавий муҳит тамоман янгиланди.

Инсон омили энг олий қадрият ҳисобланган давлатимизнинг бошқарув сиёсатидаги мақсад ва вазифаларига мос равишда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига имтиёз, имконият ва шарт-шароитлар кўлами ҳам тубдан кенгайтирилди.

Жумладан, 1996 йил 30 августдаги **“Шаҳар йўловчилар транспортидан бепул фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида”**ги 278-I-сонли Қонун билан муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар ва контракт бўйича оддий аскарлар ҳамда сержантлар таркибидаги ҳарбий хизматчиларга шаҳар йўловчилар транспортидан (таксидан ташқари) бепул фойдаланиш ҳуқуқи белгиланди. Президентимизнинг 2005 йил 19 августдаги Қарори билан 2005 йилнинг 1 сентябридан бошлаб муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий хизматдан бўшатилиш чоғида бериладиган нафақа миқдори 2 баравар оширилиб, энг кам иш ҳақининг ўн олти баравари миқдорини ташкил этди. Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 31 октябрдаги Қарорига асосан муддатли ҳарбий хизматни ўтаган, ҳарбий қисм тавсияномасига эга бўлган ва контракт асосида ўқишга қабул қилинган талабаларга ўқиш даврида “Камолот” ЁИҲ фаолиятида фаол иштирок этган тақдирда контракт суммасининг 35 фоизи моддий ёрдам тариқасида тўлаб берилади, 2012 йил 31 майдаги Қарори билан эса муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган, ҳарбий қисмлар қўмондонлигининг тавсияномасига эга фуқароларга барча йўналиш ва мутахассисликлар бўйича олий таълим муассасаларининг бакалавриат босқичига киришда тўплаш мумкин бўлган максимал баллнинг 27 фоизи миқдорида қўшимча балл шаклидаги имтиёз белгиланди, қўшимча балларни ҳисобга олган ҳолда танловдан ўта олмаган абитуриентлар республикадаги бошқа олий ўқув юртларига белгиланган тартибда қабул қилинади. Шу каби ва бошқа қатор имтиёзлар ҳарбий хизмат нуфузини, ўз навбатида, ҳарбий хизматчиларнинг шижоати ва фидойилигини янада оширди.

Мустақиллик шарофати билан бугун ҳарбий таълим муассасаларида соғлом фикр ва ҳаётий позициясига эга, замонавий фикрлайдиган, ҳар томонлама етук, профессионал офицерлар ва юқори малакали сержантлар етишиб чиқмоқда.

Эътироф этиш керакки, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий муҳофаза қилиш масаласи биринчи галдаги вазифа ҳисобланади. Юртбошимиз Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг йигирма уч йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига йўллаган табригида: *“Ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, уларнинг ижтимоий-маиший, яшаш ва хизматни ўташ шароитларини яхшилашга қаратилган давлат дастурларини амалга ошириш алоҳида аҳамиятга молик вазифа бўлиб қолмоқда. Ўз ҳаётини ушбу шарафли касбга бағишлаган ҳар бир ҳарбий хизматчи яхши билиши шарт: унинг муаммолари эътиборсиз қолмайди ва оиласининг тинчлиги ва фаровонлиги ишончли равишда кафолатланган”*, — дея алоҳида таъкидлаганидан ҳам ижтимоий ҳимоя ҳарбий бошқарув сиёсатининг доимий ва устувор вазифаларидан эканини англаш қийин эмас.

Дарҳақиқат, қонунчилигимизда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини хизмат турар-жойлари билан таъминлаш, уй-жойни хусусийлаштириш, узоқ муддатли ипотека кредитларидан фойдаланган ҳолда квартиралар сотиб олиш ва уй-жой қуриш учун ер участкалари ажратиш, турар-жойни ижарага олганлик учун ҳар ойлик пул компенсацияси тўлаш ва бошқа қатор имтиёзлар ҳамда бунга доир ҳуқуқларни амалга ошириш тартиби мустаҳкамлаб қўйилган.

Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, қўшинларни профессионал кадрлар билан бутлаш, уларнинг жанговар тайёргарлигини мунтазам ошириб бориш ҳамда ҳуқуқ-тартибот ва юқори ҳарбий интизомни таъминлашда қонун ҳужжатларининг аниқ ва бир хилда ижро этилишига эришиш борасида ҳарбий прокуратура органлари томонидан ҳам қатор чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Жумладан, ҳарбий прокуратура органлари томонидан аҳоли бандлигига кўмаклашиш мақсадида маҳаллий ҳокимият органлари билан ҳамкорликда ўтган йилнинг 12 ойи давомида 39 маротаба меҳнат ярмаркаси ташкил қилиниб, ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларидан 160 нафарининг доимий иш билан таъминланишига эришилди.

“Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури доирасида ҳам қатор тадбирлар ўтказилиб, ёш авлодни катталарга ҳурмат ва меҳр-мурувват руҳида тарбиялаш мақсадида, Қуролли Кучлар фахрийлари ва Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари иштирокида ҳарбий қисм ва муассасаларда, таълим даргоҳларида ва меҳрибонлик уйларида учрашувлар ўтказилмоқда. Республикамиздаги қариялар уйларига ташрифлар уюштирилиб, кексаларимизнинг ҳолидан хабар олинди, байрам дастурхонлари ва концерт дастурлари ташкил қилинди.

Шунингдек, Қуролли Кучлар фахрийларининг, ҳарбий хизматдан захирага бўшатилган пенсионерларнинг ва уларнинг оила аъзоларининг ҳуқуқ ва эркинликларини амалда таъминлаш аҳволи юзасидан ҳарбий прокуратуралар томонидан ҳарбий қисм ва муассасаларда текширишлар ташкил этилди. Қонунчилик ижроси устидан назорат йўналишида ўтказилган бундай текширишларда ижтимоий ҳимоя тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари амалда аниқ ва бир хилда бажарилишига эришиш масаласига асосий эътибор қаратилди. Бундай тадбирлар “Соғлом она ва бола йили”да ҳам жадал суръатларда давом эттирилади.

Ёш авлодни ватанпарварлик, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида, эл-юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси билан тарбиялаш мақсадида умумий, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими муассасаларида, меҳрибонлик уйларида миллий армиямиз қудрати ва нуфузини, мардлик ва фидойиликни мадҳ этувчи мавзуларда мунтазам равишда ҳуқуқий соатлар, учрашувлар ва суҳбатлар ташкил этиб келинмоқда.

Айниқса, халқимиз ҳаётидаги муҳим саналар ва байрамлар арафасида ҳарбий прокуратура органлари томонидан меҳрибонлик уйларига ташриф буюрилиб, болалар билан учрашиш, уларнинг кўнглини кўтариш, уларни қизиқтирган ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга қаратилган мавзуларда тарғибот тадбирлари ўтказиш, ҳарбий қисм ва муассасаларга, ҳарбий таълим муассасаларига “Очиқ эшиклар куни” тарзида саёҳатлар уюштириш тизимли равишда йўлга қўйилган. 2015 йил давомида меҳрибонлик уйларида бу борада 110 га яқин тадбирлар амалга оширилди. Биргина Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллиги муносабати билан ўтган йилнинг 7-8 декабрь кунлари давомида ҳарбий прокуратура органлари томонидан мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда республикамиздаги меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари иштирокида Бош Қомусимизнинг мазмун-моҳиятига бағишланган 18 та тарғибот ва байрам тадбири ташкил этилди.

Таъкидлаш жоизки, ҳарбий прокуратура органлари томонидан ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқий билими ва ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш, ҳуқуқий тарбия ишларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилиб, янги қабул қилинган қонун ҳужжатлари, қонунчиликка киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар мазмун-моҳиятини ижрочиларга, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ҳамда кенг жамоатчилик эътиборига етказиш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

2015 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, Республика Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Хотин-қизлар қўмитаси, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши, Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, бошқа давлат ва нодавлат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамкорлигида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ҳамда чегара олди ҳудудларида яшовчи аҳоли ўртасида 9950 га яқин қонунчилик тарғиботи тадбирлари амалга оширилди.

Мудофаа вазирлигининг “Ватанпарвар” бирлашган таҳририяти билан ҳамкорликда “Ватанпарвар” газетасида ҳамда “Ёшлар” телеканалининг “Ватанпарвар” дастурида “Ҳуқуқ” саҳифаси ва “Ҳуқуқий маслаҳатхона” махсус рукнлари ташкил этилган. Улар орқали ҳарбий хизматчилар ва фуқароларимизни қизиқтирган саволларга берилаётган жавоблар билан аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги янада бойитилмоқда. Бир сўз билан айтганда, оммавий ахборот воситалари орқали янги қабул қилинган қонунлар моҳияти, қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартишлар мазмуни ва юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар аҳамиятига доир мавзуларда, шунингдек, ҳарбий прокуратура фаолиятига ошкоралик бериш юзасидан доимий равишда чиқишлар қилинмоқда. Мазкур йўналишларда 2015 йилда ҳарбий прокуратура органлари томонидан қарийб 1250 маротаба оммавий ахборот воситалари орқали ҳуқуқий тарғибот тадбирлари амалга оширилди.

Шу ўринда ўта муҳим бир масалани ёддан чиқармаслик керак. Мустақил она-Ватанимиздаги тинч ва осуда, хавфсиз ва фаровон турмушимизни, эркин ва озод ҳаётимизни асраш, бунинг учун огоҳ ва ҳушёр бўлиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўрт йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида қуйидагиларни алоҳида таъкидлаган эдилар:

“Яна ва яна бир бор айтиб ўтишни зарур деб биламан: Ўзбекистон ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блокка қўшилмайди, ўз ҳудудида чет эл ҳарбий базаларининг жойлаштирилишига, ҳарбий хизматчиларимизнинг мамлакатимиз ташқарисида бўлишига мутлақо йўл қўймайди. Ўзбекистон давлатининг қонуни даражасига кўтарилган бу тамойилларни, айни шундай чуқур ўйланган йўлни, шундай сиёсатни биз учун энг тўғри, энг маъқул деб биламиз ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз.

Илгари ҳам айтганман — бизга, халқимизга тинчлик ва омонлик керак. Бу — ўзбек халқининг истаги, бу — ўзбек халқининг мақсади, бу — ўзбек халқининг қароридир.

Биз бошимиздан кечираётган замон барчамиздан аввало огоҳ ва сезгир бўлиб яшашимизни, тинч ва осуда ҳаётимиз учун, мусаффо осмонимизни ҳимоялаш учун курашишимизни талаб қилади”.

Ҳақиқатан ҳам давлатимиз хавфсизлигини, халқимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, огоҳлик ва ҳушёрликни кундалик одатга айлантириш ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини бугунги таҳликали замоннинг ўзи яққол кўрсатиб турибди.

Шу муносабат билан ҳарбий прокуратура органлари томонидан огоҳлик ва ҳушёрликни ошириш масалаларига қаратилган тарғибот тадбирлари, айниқса, чегараолди ҳудудларда янада жадаллаштирилган. Миллий хавфсизлик хизмати ҳамда МХХ Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси ҳамкорлигида ички ишлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ҳокимликлар, оммавий ахборот воситалари ва бошқа мутасадди ташкилотлар вакилларини жалб этган ҳолда чегараолди ҳудудларда яшовчи аҳоли ўртасида “Ватаним тақдири — менинг тақдирим”, “Халқ ва армия — бир тану бир жон”, “Ўз уйингни ўзинг асра”, “Огоҳлик — тинчлигимиз кафолати”, “Осойишта сарҳад — барчамизники” каби мавзуларда доимий равишда учрашувлар ва маъруза-суҳбат тарзидаги тарғибот тадбирлари ўтказиб келинмоқда. Ўтган йил давомида республикамизнинг чегараолди ҳудудларида яшовчи аҳоли иштирокида ўтказилган тадбирларда давлат чегараси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари, минтақамизда ва дунёдаги сиёсий вазият, тинчлигимиз ва хавфсизлигимизга рахна солаётган таҳдидлар ва ахборот хуружлари, уларга қарши мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш, Ватан тақдирига дахлдорлик ҳиссини ошириш масалаларида, бу борадаги бурч ва вазифаларимиз ҳақида атрофлича тушунтиришлар бериб борилди.

Хулоса қилиб айтганда, мустақиллигимизни ва тинчлигимизни авайлаб-асраш, Президентимиз таъбири билан айтганда, она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш энг олий саодатдир.

Фурсатдан фойдаланиб, миллий армиямиз сафларида хизмат қилаётган ҳарбий хизматчиларимизни, Ўзбекистон армияси фахрийлари ва пенсионерларини, қолаверса, барча юртдошларимизни Ватан ҳимоячилари куни ҳамда Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 24 йиллиги байрами билан самимий муборакбод этаман. Она юртимизга муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилишдек шараф ва масъулият ҳисси ҳамиша барчамизга ҳамроҳ бўлсин.

**Шухрат УЗАКОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори генерал-майор**







# Электрон ҳукумат

## жамият, давлат ва фуқаро ўртасида самарали алоқа тизими

(Давоми. Боши биринчи бетда)

**Ботир МАТМУРОДОВ — Сенатнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси:**

— Мамлакатимизда миллий ахборот тизимини шакллантириш, иқтисодиёт ва жамият фаолиятининг барча соҳаларида замонавий ахборот технологиялари ҳамда телекоммуникация воситаларидан фойдаланиш кўламини кенгайтириш, электрон ҳукуматни шакллантириш борасида тизимли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Пировардида ижтимоий-иқтисодий соҳанинг барча жабҳаларида ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш йўлга қўйилмоқда. Биргина мисол: барча таълим муассасалари 100 мингдан ортиқ таълим ресурсларини ўз ичига олган — ZiyoNet таълим тармоғига уланди.

Давлат органларида 320дан ортиқ давлат ахборот-ресурслари ва 465 дан ортиқ давлат ахборот тизимлари жорий қилинди. Аҳоли ва тадбиркорларга хизмат кўрсатишда қулайликлар яратилди.

Унинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида **"Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида"**ги, **"Телекоммуникациялар тўғрисида"**ги, **"Ахборотлаштириш тўғрисида"**ги, **"Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида"**ги, **"Электрон тўловлар тўғрисида"**ги, **"Электрон рақамли имзо тўғрисида"**ги, **"Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"**ги қонунлар қабул қилинган. Парламент юқори палатасининг 2015 йил 3 декабрь куни бўлиб ўтган ялпи йиғилишида электрон ҳукумат соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган янги **"Электрон ҳукумат тўғрисида"**ги Қонун маъқулланди.

Мазкур Қонуннинг асосий мақсади давлат хизматларини кўрсатишда аҳоли ва тадбиркорлар манфаатларини кўзлаш, уларга кенг қулайликлар яратиш, уларнинг вақтларини тежаш, беҳуда оворагарчиликлар ва ортиқча сарф-харажатларини камайтириш, давлат органлари фаолияти самарадорлигини янада оширишдан иборат. Қонунда "электрон ҳукумат", "давлат хизмати", "идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш", "электрон давлат хизмати", "электрон давлат хизматининг регламенти", "электрон ҳукуматнинг ягона идентификаторлари" каби тушунчалар қонунчиликка илк бор киритилди ва уларга тегишли таъриф берилди. Масалан, "электрон ҳукумат" тушунчасига қуйидагича ҳуқуқий таъриф берилган: Давлат органларининг жисмоний ва юридик шахсларга ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш йўли билан давлат хизматлари кўрсатишга доир фаолияти, шунингдек, идоралараро электрон ҳамкорлик қилишни таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар ва техник воситалар тизими.

Хулоса қилиб айтганда, **"Электрон ҳукумат тўғрисида"**ги Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ҳамда фуқаролик жамиятини ривожлантиришга, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш йўли билан чет эл инвесторларини жалб қилишга, халқ фаровонлигини, юрт равнақини янада оширишга, мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашга хизмат қилади.

**Толибжон МАДУМАРОВ — Сенатнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси ўринбосари:**

— Ҳудудлар мисолида электрон ҳукумат тизимини шакллантириш борасида амалга оширилаётган ишларга тўхталиб ўтмоқчиман. Биргина Қорақалпоғистон Республикасида йил бошидан бери ушбу йўналишга 139,3 миллион сўм маблағ йўналтирилиб, 30 дан зиёд йирик лойиҳалар амалга оширилди, умумий қиймати 28,3 миллиард сўмлик 18 мингдан зиёд давлат харидлари электрон тарзда амалга оширилди ва натижада 6 миллиард сўмдан зиёд маблағ иқтисод қилинди, компьютер дастурлаш хизматлари орқали ўзлаштирилган маблағлар миқдори 1 133 миллион сўмни ташкил қилди, шунингдек, Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали 2 079 та тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатига олинди.

Шу ўринда ушбу Қонунда ўз ифодасини топган электрон ҳукуматнинг асосий вазифалари ҳақида фикрларимни билдирмоқчиман.

**Биринчидан,** давлат органлари фаолиятининг самарадорлигини, тезкорлигини ва шаффофлигини таъминлаш, уларнинг масъулиятини ва ижро интизомини кучайтириш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ахборот алмашишни таъминлашнинг қўшимча механизмларини яратиш электрон ҳукуматнинг муҳим вазифаларидан бири эканлиги Қонун нормаларида белгиланган.

**Иккинчидан,** маълумки, **"Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"**ги Қонунда жисмоний ва юридик шахслар давлат органларига электрон шаклда мурожаат тақдим этиш ҳуқуқи белгиланган. Жисмоний ва юридик шахсларнинг ушбу ҳуқуқларини тўла таъминлаш мақсадида Қонунга мувофиқ ариза берувчилар учун мамлакатнинг бутун ҳудудида давлат органлари билан ўзаро муносабатларни электрон ҳукумат доирасида амалга ошириш бўйича имкониятлар яратиш масаласи ҳал этилмоқда.

**Учинчидан,** тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини янада кенгайтиришга, уларнинг мамлакатимиз инвестиция жараёнларида янада фаол иштирок этишини рағбатлантиришга, шунингдек, электрон тижорат ёрдамида унинг иштирокчилари ҳуқуқларини самарали



ҳимоя қилишга қаратилган янги қоидалар ўз аксини топган. Мазкур Қонуннинг ижросини таъминлаш учун тадбиркорлик субъектларининг электрон тижорат, интернет орқали маҳсулотни сотиш ва харидларни амалга ошириш тизимларидан фойдаланишини кенгайтириш, шунингдек, коммунал хизматларни ҳисобга олиш, назорат қилиш ва улар учун ҳақ тўлашнинг автоматлаштирилган тизимларини жорий этиш ҳам Қонунда электрон ҳукуматнинг вазифаси сифатида алоҳида белгиланган.

Амалиётдан келиб чиқиб, шуни очиқ айтиш керакки, ҳудудлардаги айрим давлат органлари ўз ишида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини етарли даражада жорий қилмаган ҳолатлардан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Қабул қилинган қонун шу каби муаммоларни бартараф этишда амалий аҳамият касб этади.

**Норкул СОДИҚОВ — Сенат аъзоси:**

— Кўпроқ ҳудудлар манфаатларини ҳимоя қиладиган, шунинг учун ҳудудий вакиллардан иборат Сенат вазифаларидан келиб чиқиб айтадиган бўлсам, мазкур қонуннинг "Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятларда ва Тошкент шаҳрида электрон ҳукуматни ривожлантириш", деб номланган 17-моддасига алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

Унда белгиланишича, Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятларда ва Тошкент шаҳрида ҳудудий ривожлантириш дастурлари электрон ҳукумат соҳасидаги давлат дастурлари ва бошқа дастурлар билан ўзаро боғлиқ бўлиши керак. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари электрон давлат хизматларини жорий этиш, идоралараро электрон ҳамкорликни ташкил қилиш лойиҳаларини электрон ҳукумат соҳасидаги ваколатли орган билан келишилган ҳолда амалга оширади. Табиийки, бу қоидалар ҳудудларни комплекс ривожлантириш, шу билан бирга ҳудудларда электрон ҳукуматни жорий этишга ижобий таъсир кўрсатади.

Бугунги замон тараққиётининг талаби бўлган электрон ҳукумат ҳақида гапирганда, мисол тариқасида унинг бир кўриниши бўлган айни пайтда барча туман ва шаҳарларда тадбиркорлик субъектларига "Ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатишни айтиб ўтиш ўринли, деб ҳисоблайман.

Хусусан, 2015 йилнинг 1 октябридан бошлаб, синов тариқасида Самарқанд вилоятининг Пастдарғом ва Ургут туманларида "Ягона дарча" марказлари ташкил этилиб, фаолияти йўлга қўйилди. Мазкур марказларга келиб тушган аризалар бўйича марказ ходимлари давлат органларининг зарурий маълумотларини тадбиркордан эмас, балки тегишли давлат ташкилотларидан идоралараро электрон ҳамкорлик тизими орқали сўраб олиши йўлга қўйилди. Бугунги кунга қадар, ушбу идоралараро электрон ҳамкорлик тизимига "Ягона дарча" марказларининг ҳамда давлат хизматларини кўрсатишда иштирок этувчи вилоятдаги 225 та давлат идорасининг масъул ходимлари уланган.

Ушбу "ягона дарча" марказлари орқали тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларининг кўрсатилиши натижасида тадбиркорларнинг идорама-идора сарсон бўлиб юришларининг олди олиниб, уларнинг вақтлари тежалишига замин яратилди ва ортиқча сарф-харажатлари камайди.

Қонунда электрон давлат хизматларини "Ягона дарча" принципи бўйича кўрсатиш белгилаб қўйилган. Унга кўра, электрон давлат хизматлари кўрсатувчи орган хизмат кўрсатиш учун худди шундай бошқа органларда мавжуд бўлган ҳужжатлар ва маълумотларни олиши талаб этиладиган ҳолларда электрон давлат хизмати кўрсатиш "Ягона дарча" принципи бўйича амалга оширилади. Бунда электрон давлат хизматлари кўрсатувчи орган мазкур ҳужжатлар ва маълумотларни мустақил равишда, ариза берувчининг иштирокисиз идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш воситасида олади.

**Бахтиёр ОРТИҚОВ — Сенат аъзоси:**

— Мендан олдин ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтган Сенат аъзоларининг фикрларига қўшимча тарзда Қонуннинг айрим жиҳатларига тўхталиб ўтмоқчиман. Қонунда электрон ҳукуматнинг ишлашини ташкил этишга доир меъёрлар, жумладан:

марказий маълумотлар базаларини;

идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш тизимини;

давлат органларининг ахборот тизимлари ва ахборот-ресурслари ҳамда уларнинг мажмуаларини;

ягона интерактив давлат хизматлари портали ва давлат органларининг расмий веб-сайтларини;

маълумотларга ишлов бериш маркази ва идоралараро маълумотлар узатиш тармоғини ўз ичига олган электрон ҳукумат инфратузилмасининг қонуний асослари белгиланган.

Шу ўринда қайд этишим керакки, биз қонунни ҳудуд манфаати нуқтаи назаридан кўриб чиқаётганимизда тегишли ташкилотлардан олинган маълумотлар таҳлилига кўра, биргина Сурхондарё вилоятида Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича 2928 та ариза келиб тушган. Фирма номларини захирага олиш юзасидан 2472 та ариза электрон шаклда қабул қилинган. 4504 та божхона юк декларациялари электрон шаклда расмийлаштирилган. Ягона интерактив давлат хизматлари порталининг бошқа хизматларидан Сурхондарё вилоятида 3380 дан зиёд маротаба фойдаланилган.

Қонунда электрон давлат хизматлари ариза берувчиларга давлат органларининг расмий веб-сайтлари ҳамда Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали хизмат кўрсатилиши мустаҳкамланган.

Муҳим жиҳатлардан яна бири, давлат органларида очиқлик ва шаффофликни таъминлашга доир меъёрларнинг белгиланганидир. Чунончи, Қонунда электрон давлат хизматлари кўрсатувчи органлар давлат хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисидаги ахборотни ўз расмий веб-сайтларига жойлаштиришлари белгиланган. Бу эндиликда давлат хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисидаги ахборотни аҳоли ёки тадбиркор бевосита давлат органига келиб эмас, балки жойидан туриб, яъни компьютер орқали ёки мобил телефон орқали давлат органлари расмий веб-сайтларидан билиб олиши ва ушбу хизматлардан фойдаланиш имкониятини беради.

**Фахриддин СОЛИЕВ — Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги Ахборот хавфсизлигини таъминлаш маркази бош мутахассиси:**

— Бугунги кунда, тадбиркорларга кенг қулайликлар яратиш мақсадида давлат органларига топшириладиган ҳисоботлар, аниқроқ айтганда, солиқ ва статистика ҳисоботларини топшириш тўлиқ электрон шаклга ўтказилган. Бу эса солиқ тўловчилар томонидан йилига ўртача 197 тонна қоғоз ва 9 миллиард сўм маблағ тежалишига олиб келди. Шунингдек, 43 мингдан зиёд фирма номлари электрон шаклда захирага олинди.

Мамлакатимизда электрон ҳукуматни шакллантиришни янада тезлаштириш ва сифатини ошириш мақсадида илғор хорижий мамлакатлар тажрибаларидан ҳам кенг фойдаланилмоқда. Айниқса, электрон ҳукумат соҳасида етакчилик қилиб келаётган Жанубий Корея мамлакати билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди.

Мутахассис сифатида **"Электрон ҳукумат тўғрисида"**ги Қонуннинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш принципи билан боғлиқ бўлган 12-моддаси ҳақида гапириб ўтмоқчиман. Аввало, таъкидлаш керакки, электрон ҳукумат тизимида ахборот хавфсизлигини таъминлаш ўта зарур ва муҳим аҳамиятга эга масала бўлиб ҳисобланади. Мана шу модданинг биринчи қисмида "Электрон давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари электрон давлат хизматлари кўрсатишда фойдаланиладиган ахборот тизимлари ва ахборот-ресурсларининг ахборот хавфсизлигини таъминлаши шарт"лиги тўғрисидаги қоида қатъий белгиланган.

Бундан ташқари, ушбу моддада электрон давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари шахсга доир маълумотлар, шунингдек, давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлар муҳофаза қилинишини ва улардан рухсатсиз фойдаланишнинг олди олинишини таъминлаш юзасидан зарур ташкилий-техник чоралар кўриши билан боғлиқ нормалар ўрнатилаяпти. Бу амалиёт нуқтаи назаридан муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга моддада "Электрон давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органларининг ахборот тизимларида ва ахборот-ресурсларида сақланадиган шахсга доир маълумотлардан улар қайси ариза берувчига тааллуқли бўлса, ўша ариза берувчининг розилиги билан уларга ишлов бериш, уларни узатиш ва олиш учун фойдаланилади, бундан қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар мустасно" эканлиги ҳақидаги тартиб белгиланди.

Мазкур нормалар ижтимоий ҳаётдаги баъзи бир англашилмовчиликларнинг олдини олиб, ахборот-коммуникация технологиялари ривожланиб бораётган бир пайтда ахборот хавфсизлигини таъминлаш масаласида амалий аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб айтганда, **"Электрон ҳукумат тўғрисида"**ги Қонуннинг қабул қилиниши биринчи навбатда жамият, фуқаро ва давлат ўртасидаги ўзаро амалий мулоқотга самарали ижобий таъсир кўрсатади. **"Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"**да белгилаб берилган демократик бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, ортиқча рухсатнома ва рухсат бериш тартиб-қоидаларининг янги турлари киритилишини қонун билан кескин тақиқлаш, тадбиркорлик фаолияти эркинлигини кафолатлаш каби вазифалар ижроси таъминланишига асос бўлади. Энг муҳими, ушбу Қонун жамият ва давлат тараққиёти юксалишига ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилади.

**Сенаторлар фикрларини журналист Арслон ЭШМУРОДОВ ёзиб олди.**

---

**"Ягона дарча" тартиби**

# Мақсад сари

## етакловчи йўл

**РЕСПУБЛИКАМИЗ иқтисодиётида хусусий мулкнинг ўрни ва ролини тубдан ошириш, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, ялпи ички маҳсулотда хусусий мулк, шу жумладан, чет эл капитали иштирокидаги улушини изчил ошириш мақсадида Президентимизнинг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди.**

Мазкур Фармон мамлакатимизда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва уни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш билан бирга, 2016 йилнинг 1 январидан бошлаб туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари негизида тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатувчи "Ягона дарча" марказларини ташкил этишнинг ҳуқуқий асоси бўлди.

Мазкур Фармоннинг 6-банди, 2-қисмида адлия органларига "Ягона дарча" марказлари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва услубий кўмак кўрсатиш вазифаси юклатилди.

Юклатилган вазифаларни бажариш мақсадида адлия органлари томонидан бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Жумладан, Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси томонидан вилоятдаги барча туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари негизида "Ягона дарча" марказларини ташкил этиш аҳволи ўрганилди ҳамда ўрганиш натижаси бўйича туман ҳокимларига "Ягона дарча" марказлари фаолиятини ташкил этиш бўйича тегишли кўрсатма ва тавсиялар берилди.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур Фармон ижросини таъминлаш ва тадбиркорлик тузилмаларига замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда давлат хизматларини кўрсатиш сифати ҳамда улардан фойдаланиш имкониятларини тубдан ошириш ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида 2015 йилнинг 28 сентябрида Президентимизнинг **"Тадбиркорлик субъектларига "Ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Қарори қабул қилинди.

Мазкур Қарорга биноан, "Ягона дарча" марказларининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди:

- "Ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматларини кўрсатиш;
- тадбиркорлик субъектларига рўйхатдан ўтказиш, рухсат бериш ва лицензиялаш тартиб-таомилларидан ўтишда шаффофликни таъминлаш;
- тадбиркорларга давлат хизматларини кўрсатишда бюрократик ғов-тўсиқларга йўл қўймасдан давлат хизматлари кўрсатаётган давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан яқин ҳамкорлик ўрнатиш;
- аризачиларга информацион ёрдам кўрсатиш, шунингдек, давлат хизматларини кўрсатиш тартиби ва муддатлари тўғрисида бепул консультация бериш.

Ушбу Қарорнинг 7-бандида адлия органларига давлат хизматларини кўрсатиш юзасидан, шунингдек, ташкил этилаётган "Ягона дарча" марказларининг вазифаларини кенг аҳоли қатламларига тушунтириш юзасидан доимий равишда семинарлар ўтказиш вазифаси юклатилди.

Мазкур вазифани бажариш бўйича вилоят адлия бошқармасининг туманларга бириктирилган ходимлари томонидан вилоятдаги 14 та туман (шаҳар) ҳокимликлари билан ҳамкорликда тадбиркорлик субъектларига "Ягона дарча" марказлари бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартиби мавзуида семинарлар ўтказилди.

Шунингдек, 16 турдаги давлат хизматларини кўрсатишни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базаси шакллантирилиб, тўплам шаклида туманларга тақдим этилди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, тадбиркорлик фаолиятининг асосларини янада кенгайтириш, уларга давлатимиз томонидан яратилган имтиёз, кафолатлар тизимидан қонун доирасида фойдаланишга қаратилган бундай изчил ислоҳотлар иқтисодиётимизнинг мустаҳкам ҳамда барқарор ривожланишига, халқимизнинг турмуш фаровонлиги ошишига хизмат қилади.

**Суннатилло АБДУРАСУЛОВ, Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари**

---

# Ҳуқуқий маслаҳатхона

**— ВАСИЯТНОМА қандай тартибда расмийлаштирилади? Бу жараёнда махфий васиятнома ҳам тасдиқланиши мумкин экан. Унинг тартиби қандай?**

**Н.ЖАЛИЛОВ, Олмазор тумани**

— Фуқаролик кодексининг 1125-моддасига кўра, нотариал тасдиқланган васиятнома васият қилувчи томонидан ёзилган ёки унинг сўзларидан нотариус томонидан ёзиб олинган бўлиши лозим. Васиятномани васият қилувчи сўзларидан нотариус томонидан ёзиб олиш пайтида умумий қабул қилинган техника воситаларидан, яъни ёзув машинкаси ёки шахсий компьютердан фойдаланилиши мумкин.

Васият қилувчининг сўзларидан нотариус томонидан ёзиб олинган васиятномани имзолашдан олдин васият қилувчи унинг матнини нотариус олдида тўлиқ ўқиб чиқиши лозим.

Агар васият қилувчи жисмоний нуқсонлари, касаллиги ёки саводсизлиги туфайли васиятномани шахсан ўқий олмаса, васиятноманинг матни васият қилувчига нотариус томонидан ўқиб эшиттирилади. Бу ҳақда васиятномада тегишлича қайд этилиб, васият қилувчи васиятномани шахсан ўқий олмаганлигининг сабаблари кўрсатилади.

Васият қилувчининг хоҳишига кўра, васиятнома нотариус томонидан унинг мазмуни билан танишиб чиқилмасдан, яъни махфий васиятнома тарзида тасдиқланиши ҳам мумкин.

Махфий васиятномани васият қилувчи ҳақиқий саналмаслик хавфи остида ўз қўли билан ёзиши ва имзолаши лозим. Васиятнома икки гувоҳ ва нотариус иштирокида хатжилдга солиниб, хатжилд елимланиши лозим. Гувоҳлар ўз фамилиялари, исмлари, оталарининг исмини ва доимий тураржойларини кўрсатган ҳолда хатжилдга имзо қўядилар. Гувоҳлар имзо қўйган хатжилд гувоҳлар ва нотариуснинг иштирокида бошқа хатжилдга солинади ва бу хатжилд ҳам елимланади. Нотариус томонидан унга тасдиқлаш устхатини ёзиб қўйилиши белгиланган.

**Саволга Олмазор туман 11-сон давлат нотариал идораси нотариуси Раҳима ЖЎРАЕВА жавоб берди.**

**2016 йил 1 мартдан мамлакатимизда янги таҳрирдаги "Йўл ҳаракати қоидалари" кучга киради**

# Бу қоида ҳаммага бирдек фойда

**ҲОЗИРГИ кунда бутун дунёда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш иши энг долзарб муаммолардан бирига айланган. Чунки йўл-транспорт ҳодисалари натижасида мамлакатлар иқтисодиётига жуда катта зарар етмоқда. Бундай ҳодисалар маънавий жиҳатдан ҳам инсонларга ўнглаб бўлмас даражадаги зарарни юзма-юз қилмоқда. Кунига автомобиль ғилдираклари остида кўз юмаётган бегуноҳ инсонлар орасида кимнингдир отаси, кимнингдир онаси, баъзиларнинг жондан азиз фарзандлари борлигини тасаввур қиладиган бўлсак, бу ҳодисаларнинг аянчли кўриниши яққол намоён бўлади.**

**Йўл-транспорт ҳодисаларининг оқибатида келиб чиқаётган моддий зарарлар, маънавий йўқотишлар ва бу ҳодисаларнинг инсон ҳаёти ва соғлиғига солаётган хавфини ҳеч ким инкор эта олмайди.**

**Олдимизда ана шундай муаммо турган экан унинг ечимини топиш устида ҳамма бирдек иш олиб бормоғи лозим. Куни кеча, аниқроғи, 2015 йилнинг 24 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 370-сонли қарор имзоланди. Мазкур қарорга асосан мамлакатимизда 2016 йилнинг 1 март кунидан бошлаб бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган янги таҳрирдаги "Йўл ҳаракати қоидалари" амалга киритилади.**

*Биз янги таҳрирдаги "Йўл ҳаракати қоидалари" тўғрисида Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЙҲХ Бош бошқармаси бошлиғи **Холматжон Аҳмедович САЙДАЛИЕВ**га саволлар билан мурожаат қилдик.*

**— Холматжон Аҳмедович, қоидаларни янгилашдан кўзланган асосий сабаб нимада?**

— Шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш муаммоларига доимий равишда алоҳида эътибор билан қараб келинмоқда. Ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишлар йўл-транспорт ҳодисаларининг йилдан-йилга камайиб боришига муносиб улуш қўшмоқда. Хусусан, мустақиллик йилларида соҳага тааллуқли қонунлар, ҳукумат қарорларининг янгиланиши, уларни давр талабидан келиб чиққан ҳолда доимий янгиланиб, қўшимчалар билан тўлдириб борилиши ҳам муаммо ечимига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Бунга мисол қилиб, 1999 йилда "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлигини, 2013 йилда у қайта ишланиб, маҳаллий шарт-шароитларни ҳамда ҳаракат иштирокчиларининг таклиф ва истакларини инобатга олган ҳолда қайта қабул қилинишини кўрсатиш мумкин. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг йўл ҳаракати соҳасидаги бандларига 12 маротаба қўшимча ва ўзгартиришлар киритилганлигини ҳам айтиб ўтиш лозим.

Бугунги кунда юқорида таъкидланганидек, йўл-транспорт ҳодисалари, уларда жароҳатланган ва ҳалок бўлганларнинг сони камайишига эришилаётганлиги ушбу саъй-ҳаракатларнинг ижобий маҳсулидир.

Албатта, ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш ишларининг самарадорлигини оширишда "Йўл ҳаракати қоидалари"нинг ўрни бекиёсдир. Шу сабабли қоидалар доимий ва узлуксиз, маҳаллий шарт-шароит, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасида орттирилган тажрибалар асосида такомиллаштириб борилмоқда.

Сўнгги йилларда амалда бўлган "Йўл ҳаракати қоидалари"га маҳаллий шарт-шароитлар, жорий этилаётган янгиликлардан келиб чиққан ҳолда бир неча бор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Бундан кўзланган асосий мақсад ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини оширишга қаратилган.

2015 йилнинг янги қабул қилинган йўл ҳаракати қоидалари ҳам худди шу мақсадларни кўзда тутиб тайёрланган. Унинг лойиҳаси барча мутасадди вазирлик идора ва ташкилотларнинг тажрибали масъул мутахассислари томонидан тайёрланиб ўрганиб чиқилган.

**— "Йўл ҳаракати қоидалари"га киритилган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида батафсилроқ тўхталиб ўтсангиз.**

— Янги таҳрирдаги "Йўл ҳаракати қоидалари"га 15 та қўшимча киритилди. Бундан ташқари, бир қанча ўзгаришлар амалга оширилди. Айрим атамалар ҳамда тушунчаларга аниқликлар киритилди. Шуларнинг айримларига бироз тўхталиб ўтамиз.

Аҳамият бергансиз, аввалги ва қабул қилинган Йўл ҳаркати қоидаларида, яъни унинг матнида "автопоезд", деган сўз кўп эслатиб ўтилган ва унинг таниқлик белгиси ҳам бор. Шу сабабли ЙҲҚларининг умумий қисмига (1-боб) "Автопоезд" атамаси киритилиб унинг тушунчаси ёритиб берилди. Унга тортувчи автомобиль ва ярим тиркама ёки автомобиль прицеп(лар)инининг қўшилган таркиби кириши белгилаб қўйилди. Мамлакатимиз ҳудудида ҳам шундай "автопоезд"лар ҳаракатланишини инобатга олган ҳолда бу атама киритилди.



Биласиз, Ўзбекистон Республикасида ҳозир амалда бўлган "Йўл ҳаракати қоидалари"да "мотоцикл" атамасига "кажавали ёки кажавасиз икки ғилдиракли механик транспорт воситаси. Юкланадиган ҳолатдаги вазни 400 килограммдан ошмайдиган уч ғилдиракли механик транспорт воситалари ҳам мотоциклларга тенглаштирилади", деб изоҳ берилган эди. Бу изоҳ ҳозирги кун талабига тўлиқ жавоб бера олмай қолди. Чунки ҳозирги кунда техника тараққиёти натижасида автомобиль йўлларимизда "мотоцикл" атамаси билан айтилмайдиган, аммо айнан шу туркумга мансуб бўлган икки, уч ва тўрт ғилдиракли механик воситалар, яъни замонавий квадроцикллар, скутер ва электроскутерлар кўпайиб бормоқда. Ўз-ўзидан равшанки улар томонидан ҳам "Йўл ҳаракати қоидалари"нинг бузилиш ҳолатлари учраб турибди. Сўзсиз бундай ҳолатларни тартибга келтириш учун, қоидага тегишли ўзгартириш киритиш зарурати яққол кўриниб қолди.

Шу сабабли "Мотоцикл" тушунчаси кенгайтирилиб, двигатель иш ҳажми 50 сантиметр дан юқори, тезлиги 50 километр соатдан ортиқ скутер, электроскутер ва квадроцикллар шу атамага киритилди. Эндиликда санаб ўтилган транспорт воситалари мотоцикл сифатида рўйхатга олинади ва уларга давлат рақам белгилари берилади. Бундай турдаги транспорт воситасини бошқарадиган ҳайдовчилар "А" тоифадаги транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлишлари шарт бўлади.

**— Демак, ҳозирги кунгача бундай транспорт воситаларини давлат рақам белгисисиз ва ҳайдовчилик гувоҳномасисиз бошқариш мумкин бўлган, шундайми?**

— Ҳа, эндиликда бу мумкин эмас. Агар бундай қоидабузарлик қайд этиладиган бўлса, ҳайдовчиларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг тегишли моддаларига асосан чора кўрилади. Яъни, фойдаланиш белгиланган тартибда ман этилган транспорт воситалари бошқарилса, кодекснинг 125-моддаси 5 қисмига асосан жорий этилган энг кам ойлик иш ҳақининг беш баробари миқдорида жарима солинади. Агар ҳайдовчилик гувоҳномасисиз транспорт воситаси бошқарилса, Кодекснинг 135-моддаси 2 қисмига асосан жорий этилган энг кам ойлик иш ҳақининг уч баробари миқдорида жарима жазоси қўлланади.

Юқорида айтиб ўтганимдек, аввалги "Йўл ҳаракати қоидалари"да баъзи бир иборалар ўзининг тўлиқ ифодасини топмаган эди. Ана шулардан бири бу "Йўл марзаси", яъни йўл ёқаси иборасидир. Бу ибора "Йўл ҳаракати қоидалари"да кўп учрайди. Аммо у қоидаларнинг атамалар бобида кўрсатилмаган. Шу сабабли уни ҳар бир ўқиган одам ўзича тушунар эди. Янги қоидада бу камчилик бартараф этилди. "Йўл марзаси" бу ҳаракатланиш бўлаги билан бир сатҳда жойлашган бўлиб, ундан 1.1 чизиғи билан ажратилган ёки бошқа қоплама ётқизилган, транспорт ҳаракати, тўхташи, тўхтаб туриши (мазкур Қоидалар талабларига мувофиқ) учун мўжалланган йўл элементи, деб белгилаб қўйилди.

Маълумки, транспорт воситаларида ташилаётган йўловчилар, айниқса, болалар хавфсизлигини таъминлаш ниҳоятда масъулиятли масала. Шу сабабдан "Йўл ҳаракати қоидалари"га "Болалар гуруҳини ташкилий ташиш" атамаси киритилди. Унга кўра, 8 ва ундан ортиқ болаларни автобусда ташиш (йўналишли транспорт воситалари бундан мустасно) болаларни ташкилий ташиш эканлиги белгилаб берилди. Ўйлаймизки, ушбу тушунчанинг киритилиши болаларни ташиш ишларини ташкиллаштираётган мактаб ва мактабгача таълим муассасалари, коллежлар, меҳрибонлик уйлари раҳбарлари олдига, шу жумладан, бизнинг хизмат вакиллари зиммасига катта масъулият юклайди.

"Йўл ҳаракати қоидалари"ни эътибор билан ўқиганлар билишадики, унда "ҳақиқий вазн" сўзи кўп учрайди. Бу сўз асосан транспортга оид меъёрлар ва давлат стандартларидан олинган. Шу боис Қоидаларга транспорт воситасини ҳақиқий вазнини (факт бўйича) белгилаш учун "Ҳақиқий вазн" атамаси киритилди. Демак, "ҳақиқий вазн", деганда биз транспорт воситасининг юки, ҳайдовчиси ва йўловчиси билан биргаликдаги ҳақиқий вазнини тушунамиз. Бу йўлларнинг оғирлик кўтариш имкониятига қараб транспорт воситаларининг йўналишларини белгилашда муҳимдир.

Соҳага ахборот коммуникациявий технологияларни жорий этишга алоҳида эътибор билан қараб келинаяпти. Маълумки, кейинги 5 йилликда ДЙҲХХ йўл патрул хизмати фаолиятида йўл ҳаракати доирасидаги ҳуқуқбузарликларни автоматик тарзда аниқлаш амалиёти кенг қўлланилмоқда. Шу сабабли "фото ва видеофиксация" ибораси йўл ҳаракати қоидасида ўз аксини топиб, маъмурий ҳужжатларда ҳам қайд этилмоқда.

Бундан ташқари, ҳайдовчиларни огоҳлантириш учун "Фото ва видеофиксация" ахборот-ишора белгиси ҳам жорий этилди. Бу киритилган янгиликнинг долзарблиги Тошкент шаҳрида йўл ҳаракати хавфсизлигини компьютерлаштирилган бошқарув тизимининг ишга тушиши билан ҳам чамбарчас боғлиқ.

Ҳозир бу янгилик он-лайн тизимида фаолият юритаяпти. Биз ҳаракат иштирокчиларини жазолаш йўли билан эмас, балки уларни огоҳлантириш, қоидаларга амал қилишга чақириш йўли билан қоидабузарликларга қарши курашамиз.

**— Янги қоидаларда ҳайдовчиларга ҳам бир қатор мажбуриятлар юклатилибди, улар нималардан иборат?**

— Тўғри, янги таҳрирдаги "Йўл ҳаракати қоидалари"да ҳайдовчиларга бир қатор муҳим мажбуриятлар ҳам юклатилди. Эндиликда ҳайдовчи ҳаракатни бошлашдан олдин йўловчиларни ҳаракат вақтида танани (қўлни чиқариш бунга кирмайди) автомобиль салонидан ташқарига чиқариш мумкин эмаслиги ҳақида огоҳлантириши шарт. Худди шу талаб қоиданинг йўловчиларга тегишли 24 бандига ҳам қўшимча қилинди. Биласиз, сўнгги вақтларда, айниқса, тўй-тантаналарида танасини ташқарига чиқариб видео тасвирга олаётганлар тез-тез учраб турарди. Бу эса ҳаракатланиш хавфсизлигига жиддий раҳна солади. Шу сабабли мана шу ўзгартириш киритилди. Бундан ташқари, ҳайдовчи йўловчиларга хавфсизлик камарини тақиб олиш шартлигини айтиши шарт.

Хавфсизликни таъминлаш мақсадида яна бир янгилик жорий этилди. Маълумки, куннинг қоронғи вақтларида, айниқса, ёритилмаган жойларда транспорт воситаси бирор-бир сабаб билан, масалан, носозлик туфайли тўхтаб қолиши мумкин. Шундай вақтда ҳайдовчи машинасини таъмирлаш учун ташқарига чиқади. Мана шу вақтда хавфли ҳолат юзага келади. Йўлдан ўтаётган транспорт воситалари таъмирлаш ишлари билан банд бўлган ҳайдовчини кўрмай қолиши мумкин. Бу ҳолат қоронғи ва ёғингарчиликлар бўлаётган вақтларда жуда ҳам хавфли. Айнан шундай ҳолатларда йўл-транспорт ҳодисасига учраб жароҳат олганлар ҳақида кундалик маълумотларимизда қайд этилган. Мана шуларни эътиборга олган ҳолда янги қоидаларда тунгги вақтларда ҳайдовчиларга нур қайтарувчи махсус нимчаларни кийиб олиш мажбурияти юклатилди. Эндиликда ҳар бир транспорт воситасида тиббиёт қутичаси, ўт ўчиргич, мажбурий тўхтаганни билдирувчи белги билан биргаликда нур қайтарувчи махсус нимчалар ҳам бўлиши шарт. Бу ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлашда жуда катта аҳамиятга эга. Шунинг учун бу янгиликка барча ҳаракат иштирокчилари алоҳида эътибор билан қарашларини истардик. Кимнингдир назарида эътиборсиздек бўлиб туюлган бу кичик нарса катта фалокатларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Сўнгги вақтларда кўпчиликни ташвишлантираётган йўл-транспорт ҳодисаларини келтириб чиқараётган, умуман ҳаракатланиш хавфсизлигига жиддий раҳна солаётган бир муаммо ҳам бор эди. Бу ерда гап йўлда ҳаракатланаётган пиёдаларнинг уяли телефондан, планшетлардан фойдаланишлари, йўлда ҳаракатланаётган вақтда қулоқларига турли мосламаларни тақиб олиб гаплашишлари, мусиқа эшитиш ва ҳатто кино кўришлари ҳақида кетмоқда. Бу салбий ҳолат, айниқса, мактаб ва коллеж ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабалари орасида урф бўлиб қолганди. Кундалик маълумотларимиз орасида айнан шу ҳолат сабабли транспорт ғилдираклари остига тушиб ҳалок бўлганлар тўғрисидаги маълумотлар ҳам бор.

Шу каби ҳолатларни инобатга олган ҳолда тасдиқланган йўл ҳаракати қоидаларининг 19-бандида пиёдаларга йўлда юрганда, пиёдалар учун ажратилган жойлардан ўтаётганда хаёлни чалғитувчи нарсалардан, жумладан, телефон, планшетлардан фойдаланиш, видео кўриш, газета, журнал ва китоб ўқиш ман этилди. Шу ўринда айрим мулоҳазаларни айтиб ўтиш ўринли бўларди. Бу ўзгаришлар ўз-ўзидан қабул қилинаётгани йўқ. Улар кўп йиллик изланишлар, тадқиқотлар, таҳлиллар, ҳаракат иштирокчиларининг фикр-мулоҳазаларини ўрганиш натижасида амалга оширилади. Шу сабабли бу янгиликни фақат соҳа ходимлари эмас, кенг жамоатчилик, ота-оналар, мактаб ва коллеж ўқитувчилари ҳам ўрганиб, уни бошқаларга ҳам ўргатиши керак. Халқимиз, "Йўл қоидаси — умр фойдаси", деб бежизга айтмайди. Уйда ота-она, мактаб, коллежда ўқитувчи, йўлда ЙПХ ходими пиёдани тартибга чақириб турса, албатта, ижобий натижага эришилади. Масаланинг мана шу томонларини ҳамма эътиборга олишини истардим.

Янги таҳрирдаги "Йўл ҳаракати қоидалари"да алоҳида эътибор қаратилган яна бир нарса — бу тезликдир. Биласиз, транспорт воситалари сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Транспортлар сонининг ортиши тирбандликларни ҳосил бўлишига сабаб бўлаяпти. Маълумки, белгиланган тезлик талаблари бузилса, у оғир оқибатли йўл-транспорт ҳодисаларини келтириб чиқариши мумкин. Агар маълум ҳудудларда таҳлилларга асосланган ҳолда тезлик оширилса, транспортларнинг ёнилғи сарфи, йўлда юришга кетадиган вақт тежалиши, атроф-муҳит ифлосланишининг олди олиниши мумкин. Масаланинг мана шу томонларини ҳамда тегишли мутахассисларнинг мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда тураржой даҳаларида транспорт ҳаракатини тартибга солиб, кўп қаватли уйлар орасида аҳоли хавфсизлигини таъминлаш учун юқори тезлик соатига 30 километр қилиб белгилаб қўйилди. Бундан ташқари, худди шу банд билан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликларига ДЙҲХХ билан келишган ҳолда агар йўлнинг ҳолати тезликни ошириш имкониятини берса, айрим жойларда ёки айрим йўл бўлакларида, айрим транспорт воситаларига белгиланган тезликни ошириш учун рухсат бериш ваколати юклатилди.

**— Кўпгина давлатларда транспорт воситалари куннинг ёруғ вақтида ҳам яқинни кўрсатувчи чироқларини ёқиб юришади. Бу албатта, хавфсизлик нуқтаи назаридан йўлга қўйилган бўлса керак, шундай эмасми?**

— Тўғри таъкидладингиз. Транспорт воситалари куннинг ёруғ вақтида ҳам чироқларини ёқиб юрса кўпчиликнинг эътиборини тортади. Янги таҳрирдаги қоидаларда ҳам шу нарса эътиборга олинди. Эндиликда ташкилий равишда одам олиб кетаётган, йўловчиларни ташиётган автобуслар, микроавтобуслар, шунингдек, мотоцикл ва мопедлар хавфсизликни таъминлаш чораларини кучайтириш учун, куннинг ёруғ пайтида ҳаракатланаётганда ҳам яқинни ёритувчи чироқларини ёқиб юришлари шарт, деб белгиланди ва тартиб-қоидаларнинг 138-бандига қўшимча қилиб киритилди.

Бундан ташқари, қоидаларнинг транспорт воситалари бошқарувчиларининг ёшини белгиловчи 149-банди, ҳайдовчиларни тайёрлаш тўғрисидаги Низом талабларига мос равишда янги таҳрирда берилди. Демак, қоидаларга асосан "А" тоифадаги транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасини олишга ўқиётганларнинг ёши ўқишни битириш вақтида 16 ёш, "В" ва "С" тоифадаги ҳайдовчилик гувоҳномасини олишга ўқиётганларнинг ёши ўқишни битириш вақтида 18 ёш, "Д" ва трамвай, троллейбусни бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасини олишга ўқиётганларнинг ёши ўқишни битириш вақтида 21 ёш бўлиши керак.

Шунингдек, юқорида таъкидлаганимиздек, ЙҲҚнинг 1-иловасидаги огоҳлантирувчи белгилар банди "Фото ва видеофиксация" (5.41) йўл белгиси билан тўлдирилди ҳамда 7.19 бандида ушбу белги ҳаракат иштирокчиларининг ҳолати техник воситалар орқали видео-фото тасвирга туширилиб қайд этилаётганлигини билдириши, бу белги огоҳлантирувчи, имтиёз, тақиқловчи, буюрувчи ва ахборот-ишора белгилари билан қўлланиши кўрсатиб ўтилди.

Умуман олганда, янги қабул қилинган қоидалар, аввало, ҳаракат иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган. Унинг бандларини сўзсиз бажариш эса келгусида йўлларимизда хавфсиз ҳаракатланишни таъминлаб, одамларнинг соғлиғи ва ҳаётини муҳофаза қилади.

**— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.**

**Суҳбатни Мансуржон РИХСИЕВ ёзиб олди.**

---

**Адлия аралашгач...**

# Тўғри ва холисона ёндашув

## иш мезонига айланган

**АДЛИЯ органлари томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлаш борасида тизимли равишда назорат тадбирлари амалга оширилмоқда. Шунингдек, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва манфаатлари бузилиши тўғрисидаги мурожаатлари холисона ва ҳар томонлама кўриб чиқилиб, улар бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ чоралар кўрилмоқда.**

Жумладан, ўтган ҳисобот даврида Андижон вилоят адлия бошқармасига инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига оид 158 та мурожаат келиб тушган. Кўриб чиқилган мурожаатларнинг 44 таси асосли деб топилиб, қаноатлантирилган, 50 та мурожаат муаллифларига ҳуқуқий тушунтириш берилган ҳамда 62 таси тегишлилигига кўра, бошқа идора ва ташкилотларга юборилди.

Ўрганиш натижасига кўра, аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш ва келгусида қонунбузилишларнинг олдини олиш юзасидан 12 та тақдимнома, мансабдор шахслар ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериш юзасидан прокуратура идораларига 10 та таклиф, судларга 7 та 25.569.000 сўмлик даъво аризаси киритилди. Таъсир чоралари натижасида фуқаролар Ф.Абдусаломовга 900.000 сўм иш ҳақи, А.Абдураҳимовга 36.435.203 сўм товон пули, У.Отажоновга 1.583.718 сўм пенсия пули, 3 нафар фуқарога 3.217.718 сўм нафақа ундириб берилган. Қолаверса, 2 нафар фуқаро ишга тикланиб, 2 нафар мансабдор шахсга нисбатан жиноий иш қўзғатилган.

Масалан, Хонобод шаҳрида яшовчи О.Хўжаевни тиббиёт бирлашмаси томонидан ноқонуний равишда ишдан бўшатганидан норози бўлиб ёзган аризаси ўрганиб чиқилган. Аризада келтирилган важлар асосли эканлиги аниқлангач, вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасига фуқаро О.Хўжаевни лавозимига тиклаб, айбдор мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий чора кўриш тўғрисида таклиф киритилди. Натижада Хонобод шаҳар тиббиёт бирлашмаси бошлиғи энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробари миқдорида жаримага тортилди ҳамда фуқаро О.Хўжаев ишига тикланди.

Шунингдек, ҳисобот даврида бошқарманинг "Ишонч телефони" орқали 27 та мурожаат келиб тушган. Мурожаатларнинг 23 таси тўлиқ қаноатлантирилиб, шундан 1 таси рад этилиб, 3 тасига ҳуқуқий тушунтириш берилган. Ушбу мурожаатлар ўз вақтида ўрганиларкан, аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш ҳамда мансабдор шахсларни интизомий жавобгарликка тортиш юзасидан 8 та тақдимнома, прокуратура идораларига мансабдор шахслар ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериш юзасидан 9 та таклиф, судларга 34 та 176.123.000 сўмлик даъво аризалари киритилди. Таъсир чоралар натижасида 34 нафар фуқарога 176.123.000 сўм ойлик иш ҳақлари ва мансабдор шахсдан 750.000 сўм ундирилиб, 3 нафар мансабдор шахсга нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

Хулоса қилиб айтганда, амалга ошираётган ишлардан кўзланган мақсад қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва тиклашдан иборатдир.

**Нодир ТЎРАХОНОВ,**
**Андижон вилоят адлия бошқармаси масъул ходими**

Депутат минбари

# Ёшлик жўшқинлик ва шижоат, иштиёқ фаслидир

**ЁШЛИК ҳар бир инсоннинг энг жўшқин, шижоатга тўла палласи. Унинг ҳар бир куни яратувчанлик, завқу шавққа бурканган онлардир. Юртимизда ҳар бир ёшнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари таъминланган. Қалбида иштиёқ, интилиш бўлган ёшларни давлатимиз кафтида тутиб, қўллаб-қувватламоқда. Юксак эътибор ва эҳтиромдан ғурурла улғаяётган баркамол авлод вакиллари ҳам шунга муносиб жавоб қайтаришга астойдил интилмоқда. Қуйида мамлакатимиз ёшлари учун яратилаётган имтиёзлар, эришилаётган ютуқлар борасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг фикр-мулоҳазалари билан танишасиз.**



**Абдуғаффор ҚИРҒИЗБОЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, профессор:**

— Мамлакатимизда ёшлар манфаатини тўлиқ таъминлаш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги фаоллигини ошириш учун барча шароитлар яратилган.

Биргина қонунчилик соҳасида ёшлар ҳуқуқлари, манфаати ва эркинлигини ҳимоя қилишга доир йигирмадан ортиқ қонунлар қабул қилинди, ўттиздан зиёд халқаро ҳужжатлар имзоланди. Мавжуд таълим муассасаларини давр талаблари даражасида ислоҳ қилишдан ташқари, МДҲ мамлакатларида ўхшаши йўқ, янги турдаги ўқув юртлари — касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ташкил этилди.

Ҳар йили юртимиз ялпи ички маҳсулотининг 10-12 фоизи таълимга ёки давлат бюджетининг 60 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилаётганлигини, бунда таълим тизимига сарфланаётган қисми 35 фоизни ташкил қилишини, ёшларимизга таълим-тарбия бераётган устоз ва мураббийларга бўлаётган эътибор ва ғамхўрликларни алоҳида таъкидлаш лозим.

2015 йил 23 январда бўлиб ўтган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги Президентимиз маърузасида келажагимиз бўлмиш ёш авлод тарбияси, одоб-ахлоқи, уларнинг замонавий ахборот-коммуникация хизматларидан, жумладан, интернет тизимидан қандай фойдаланаётганликлари, интеграция жараёнлари кескин кучайиб, ахборот хуружлари тобора авж олиб бораётган бугунги таҳликали замонда, "оммавий маданият" кўринишидаги бизнинг мафкурамизга мутлақо ёт бўлган ғоялар жиддий хавф солаётган замонда ёшлар тарбияси билан боғлиқ муаммолар ва уларнинг олдини олиш масалалари, ўқув муассасаларидаги таълим мазмуни, сифати, дарсликлар мазмуни, айниқса, тарих дарсликларининг ҳолати ва мазмуни, ёшлар тарбиясида ижтимоий гуманитар фанларнинг ўрни масалаларига жиддий эътибор қаратилди.

Таъкидлаш жоизки, таълим жараёнини ислоҳ этиш ва меҳнат бозорида талаб қилинадиган юқори малакали кадрлар тайёрлашда олий ўқув юртлари муҳим ўрин эгалламоқда. Мамлакатимизда замонавий ўқув жиҳозлари билан жиҳозланган, етук малакали мутахассислар тайёрлашга ихтисослаштирилган 59 та олий ўқув юрти ва уларнинг 11 та филиалида бугунги кунда 260 мингдан кўпроқ талаба ва магистрлар таҳсил олмоқда. Мамлакатимиздаги мавжуд олий ўқув юртлари билан бир қаторда Москва Давлат университети, Россия иқтисодиёт университети, Россия нефть ва газ университети, Буюк Британиянинг Вестминстер университети, Сингапур Менежментни ривожлантириш институти, Италия давлатининг Турин Политехника университети ҳамда Жанубий Кореянинг Инха университети филиаллари пойтахтимизда фаолият кўрсатмоқда ва мазкур таълим муассасаларида машинасозлик, нефть-газ иши, ахборот технологиялари, иқтисодиёт ва бизнес бошқаруви, молиявий менежмент, тижорат ҳуқуқи каби меҳнат бозорида юқори талаб бўлган мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрланмоқдаки, бу кадрлар иқтисодиётимизнинг турли соҳаларида самарали фаолият кўрсатмоқда.

Бугунги кунда дунё мамлакатлари ўртасида ўзаро интеграциялашув жараёнлари кучайиб, халқаро майдонда мафкуравий, ғоявий ва информацион курашлар кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда маънавий-ахлоқий тарбия ишларини замон талаблари асосида ташкил этиш, ёшларни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, уларнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, мамлакатимиз мустақиллиги, тинч-осойишта ҳаётимизга хавф туғдириши мумкин бўлган тажовузларга қарши изчил кураш олиб боришга тайёрлашни барча таълим муассасалари, оила, маҳалла ва жамоатчилик ўзининг асосий вазифаси сифатида белгилаб олиши зарурлигини бугун давр тақозо этмоқда.

Глобаллашув шароитида ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан шакллантириш, юрт равнақи, эл фаровонлиги йўлида фидокорона меҳнат қилишга ўргатиш, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат ва эҳтиёткорона муносабатни шакллантириш талаб этилмоқда. Бундай шароитда умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари ҳамда олий ўқув юртларида олиб борилаётган таълим ва тарбия жараёнларида мазкур масалалар ўз аксини топиши, дарсдан бўш пайтларни унумли ва самарали ташкил этишлари, ёшларимизни турли ёт ғояларга қарши кураша оладиган, ўзининг мустақил фикрига эга бўлган, том маънодаги комил инсон қилиб тарбиялаш борасида соҳа вакиллари ўзларининг аниқ ва пухта йўналишларига эга бўлишлари лозимдир.

Мамлакатимизда таълим соҳасидаги ислоҳотлар узоқни кўзлаб амалга оширилаётганлиги бугунги кунда нафақат ватандошларимиз, балки хорижий экспертлар томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

**Акмал ЖУМАБОЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:**

— Ҳозирги кунда сиёсий партияларнинг сиёсатнинг фаол субъекти сифатида ёшларга оид сиёсатни амалга оширишдаги иштироки долзарб масаладир. Чунки ёшларнинг давлат бошқарувидаги фаол иштироки сиёсий партиялар фаолияти орқали амалга ошади. Тадқиқотчилар партияларнинг вазифаси манфаатларни ифодалашгина эмас, уларнинг муҳим функцияларидан бири — ўз таянч базаси бўлган ижтимоий қатламнинг ўз манфаатларини англаш даражасига эришишига кўмаклашиш эканлигини таъкидлайдилар. Сиёсий партиялар ёшларни фуқаролик жамияти шаклланиши жараёнига жалб этиш ва бу жараёнда фаол иштирокини таъминлаш омили ҳисобланади.

Ўзбекистондаги мавжуд сиёсий партияларнинг дастурларида ёшлар сиёсатини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилган. Масалан, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси (ЎзЛиДеП) ёшларда тадбиркорлик ва ишбилармонлик кўникмаларини шакллантиришни, ёш тадбиркор ва фермерларга шарт-шароит яратиб беришни асосий вазифаларидан деб билади. Бу вазифа партиянинг мулкдорлар қатламига таянишидан келиб чиққани табиий ҳолдир. Миллий тикланиш демократик партияси дастурида ёшларни миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш, Ўзбекистон Халқ демократик партияси дастурида ёшларни ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари, "Адолат" социал-демократик партияси дастурида эса ижтимоий адолат, ёшларнинг қонуний ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш вазифаларига эътибор қаратилади.

Мамлакатимизда давлат бошқарувини янгилаш ва жамиятни модернизация қилиш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида шаклланаётган янгича сиёсий муносабатлар ва янгича сиёсий майдон партияларимиздан ўз электорати, хусусан, ёшлар вакиллари билан ишлашнинг самарали ва таъсирчан механизмларига эга бўлишларини тақозо этади. Шундагина улар мамлакатимиз сиёсий саҳнаси ва жамиятимиз ҳаётидан мустаҳкам ўрин эгаллаб, ўз электорати ва ёшлар ишончини қозона олади.

**Жамол НОСИРОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:**

— Юртимизда ёшларнинг муҳим ҳаётий масалаларни ҳал этишга қаратилган давлат сиёсати изчил амалга оширилаётгани самарасида ёшларимиз барча соҳаларда улкан ютуқларни қўлга киритмоқда.

Конституциямиз ва кўплаб қонунларда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ўз ифодасини топган. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги **"Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Қарори ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, фаоллигини ошириш, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш, мафкуравий таҳдидларга қарши иммунитетини мустаҳкамлаш, бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни янада кучайтиришда дастуриламал бўлмоқда.

Юртимизда истеъдодли ёшлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Жумладан, умумтаълим фанлари бўйича академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида мунтазам ўтказиб келинаётган Республика олимпиадаларининг 2015 йилгисида 30 нафар ўқувчи ғолиб ва совриндор бўлиб, олий ўқув юртларига тест ҳамда қўшимча синовларсиз кириш ҳуқуқини қўлга киритди. Ўтган йилда академик лицейларда таҳсил олаётганларнинг саккиз нафари кимё ва математика фанлари бўйича ўтказилган халқаро олимпиадаларда медалларга эришиб, таълимнинг кейинги босқичини имтиёзли тарзда давом эттирадиган бўлди.

Умуман, 2000 — 2015 йиллар давомида халқаро фан олимпиадаларида умумтаълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими даргоҳларининг 238 нафар ўқувчиси иштирок этди. Улардан олти нафари олтин, 29 нафари кумуш, 74 нафари бронза медалларини қўлга киритди, 50 нафардан ортиғи эса дипломлар билан тақдирланди.

Шулар қаторида лицей ва коллежларнинг спорт базаси жадал ривожлантирилиб, ёшлар жисмоний тарбияга оммавий жалб этилаяпти. Жаҳон стандартларига жавоб берадиган 15 та олимпия захиралари коллежида спорт кадрлари тайёрланмоқда. Бинобарин, 1998 — 2014 йиллар мобайнида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими ўқувчиларининг 117 нафари жаҳон миқёсидаги мусобақаларда, 168 нафари Осиё ўйинларида, 524 нафари халқаро турнирларда ғолиблар сафидан жой олди. Биргина ўтган йилнинг ўзида спортчиларимиз олимпия ва миллий спорт турлари бўйича ўтказилган халқаро мусобақаларда 311 та олтин, 274 кумуш, 276 бронза медални қўлга киритди. Шубҳасиз, буларда фидойи ўқитувчи-мураббийларимизнинг ҳиссасини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди.

Тараққиёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди. Ҳаётга муносабату ёндашувлар ўзгаради, ривожланишга интилиш кучаяди. Техника инқилоби рўй берган, ахборот алмашинуви шиддатли тус олган бугунги глобаллашув замонида эришилган ютуқ ва марралар билан чегараланиб, хотиржамлик ва бепарволик кайфиятига берилган борки, тараққиётдан муқаррар ортда қолади.

**Жолдас АБДУЖАМИЛОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:**

— Бугунги кунда инсоннинг эркин бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзлайдиган мафкуравий, ғоявий хуружни ифодаловчи "маънавий таҳдид" тушунчаси ўзига хос маъно ва мазмун касб этмоқда. Бундай мафкуравий хуруж муайян миллат, жамият, давлатнинг тинчлиги ва барқарорлигига қарши қаратилган, сиёсий ва конституциявий тузумни заифлаштириш ва бузишга йўналтирилган ҳаракатдир.

Мафкуравий хуружлар, аввало, ёшлар қалби ва онгини эгаллашга йўналтирилган бўлиб, "оммавий маданият" сифатида қаралаётган иллат шиддат билан халқимизнинг буюк маънавий хазинаси бўлмиш одоб-ахлоқ, шарм-ҳаё каби фазилатларга тажовуз қилиб, кўп минг-йиллик маънавий қадриятларимизга путур етказади. Юртбошимизнинг **"Юксак маънавият — енгилмас куч"** номли асарида таъкидланганидек, "Табиийки, "оммавий маданият", деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча мингйиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди".

Жамиятда лаёқатли, ишбилармон, етук кадрларга ҳамиша зарурат туғилади. Ота-боболаримиз қадимдан бебаҳо бойлик бўлмиш илму маърифат, таълим-тарбияни инсон камолоти ва миллат равнақининг энг асосий шарти деб билган. Ана шу фикрга таянган ҳолда мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ таълим-тарбия масаласига давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши сифатида қаралиб, таълим тизимини такомиллаштириш мақсадида "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинди. Миллий дастурнинг моҳияти — баркамол авлодни маънавий-ахлоқий тарбия асосида етук қилиб тарбиялаш, талабаларнинг маънавиятини миллий истиқлол ғояси руҳида, ёшларни Ватанга ва миллатга муҳаббат, билимдон, жисмонан етук, мустақил фикрли қилиб камол топтиришдир. Ёшларнинг жисмоний камолотини ўстириш мақсадида болалар ва ўсмирлар ўртасида, айниқса, қишлоқ жойларда, спортни ривожлантиришга оид қатор комплекс дастурлар қабул қилинди. Буларнинг самараси ўлароқ, бугунги кунда, мамлакатимиз болаларининг 92 фоизи ривожланиш кўрсаткичлари бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мос келади. "Save the Children" халқаро ташкилоти рейтингига кўра, Ўзбекистон дунёдаги болалар саломатлиги тўғрисида энг кўп ғамхўрлик кўрсатадиган мамлакат қаторидан жой олган.

Республикамизнинг барча ҳудудларида ёшларимиз ўзаро ҳамжиҳатликда эзгулик ва яратувчилик завқи билан тинч-тотув ҳаёт кечираётганликлари, мустақил давлатимизнинг бугунги кундаги эришган энг катта ютуғи, қўлга киритган энг катта бойлигидир.

**Козим ТОЖИЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:**

— Мамлакатимизда амалга оширилаётган инсонпарварлик сиёсатининг таркибий қисми инсон ҳуқуқлари маданиятини юксалтириш билан узвий боғлиқдир. Миллий тараққиётнинг "ўзбек модели" замиридаги асл моҳият ҳам ҳар томонлама инсон ҳуқуқлари устувор жамият ва давлат барпо этишдан иборат. Мустақиллик йилларида инсонга берилган кенг ҳуқуқ ва эркинликлар уни ташаббускорликка, тадбиркорликка, бунёдкорликка, ўзи ва оила аъзолари, маҳалла-кўй ва эл-юрт учун муносиб ҳаёт даражасини таъминлашга илҳомлантирмоқда.

Конституциявий-ҳуқуқий маданиятни шакллантириш инсон ҳуқуқларидан ажралмасдир. Шунинг учун Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқлар, эркинликлар ва мажбуриятларни тушунтириш ва тушуниб олишга бундан кейин ҳам жуда катта эътибор бериш лозим. Бинобарин, ҳар қандай қонун, аввало, уни билиш ва ҳурмат қилиш, унга сўзсиз риоя этиш орқали том маънода қонунийлик касб этади.

Ёшларнинг ҳуқуқий ахборотга бўлган эҳтиёжини қондиришда замонавий ахборот воситалари, жумладан, интернет ва уяли алоқа тизимлари имкониятидан кенг фойдаланиш зарурлигини инобатга олган ҳолда ҳуқуқий йўналишдаги сайтлар сони ва сифатини ошириш, уларнинг фойдаланиш учун қулайлиги масалалари муҳим аҳамиятга эга.

Бу борадаги яна бир ғоят муҳим жиҳат — жамоатчиликка давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари фаолияти ҳақида маълумот бериш, давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган қарорлардан, биринчи навбатда, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, фуқароларнинг қонуний манфаатларига доир қарорлардан аҳолини кенг хабардор қилиб бориш механизмларини янада такомиллаштириш билан боғлиқ.

Бу ишлар кўп жиҳатдан ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш билан боғлиқ экани сир эмас. Зеро, ҳуқуқий нормалар одамлар онгига сингган ва уларга амал қилинган тақдирдагина яшайди ва рўёбга чиқади. Шунинг учун, энг аввало, ёшларда Конституцияга, қонунларга ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан чуқур ҳурмат ҳиссини тарбиялаш ғоят муҳим масаладир.

**Элбек ШУКУРОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:**

— Бош Қомусимизнинг баркамол авлодни тарбиялаш, уларни халқимизнинг кўп асрлик анъаналари, урф-одатларига ҳурмат руҳида ўстириш, барча турдаги шахсий, сиёсий, иқтисодий ҳамда ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш борасида ғоявий-тарбиявий жиҳатдан бекиёс аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш жоиз. Хусусан, Конституциянинг 41, 45, 64, 65-моддаларида вояга етмаганлар ҳуқуқларининг конституциявий кафолатлари мустаҳкамланган бўлиб, ушбу моддалар вояга етмаганларга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар учун асос бўлиб хизмат қилади.

Бугунги кунда Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоиздан ортиғини ёшлар ташкил этади. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ижобий ўзгаришлар замирида ҳар томонлама баркамол — жисмонан соғлом, ақлан етук, нафақат кўплаб билимларни, ҳозирги даврда талаб катта бўлган касб-ҳунарларни эгаллаган, айни пайтда, мустақил ва ижодий фикрлашга қодир, интеллектуал салоҳияти юксак ёш авлод тўғрисида ғамхўрлик қилишдек устувор мақсад мужассам экани табиийдир. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, олдимизда турган энг эзгу мақсадларимиз — мамлакатимизнинг буюк келажаги ҳам, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳам, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ҳам — буларнинг барча-барчаси, аввалабмор, янги авлод, униб-ўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқдир.

Энг муҳими шундаки, бизнинг янги авлодимиз, билимли, ўтмишнинг ҳар қандай иллатларидан озод бўлган ёшларимиз бугунги кунда мамлакатимизни демократлаштириш ва либераллаштириш, уни янгилаш ва ишончли тарзда равнақ топтиришнинг ҳал қилувчи ҳаракатлантирувчи кучига айланиб бормоқда. Кези келганда, бу борада эришилган ютуқларга яна бир тўхталиш ўринли бўларди. Инсон капиталининг тараққиёт даражаси бўйича Ўзбекистон 141 мамлакат орасида 53-ўринни эгаллаб турибди. Ёки 2014 йилда "Болаларни асрайлик" халқаро ташкилоти томонидан тузилган 161 мамлакатдан иборат жаҳон рейтингида ўсиб келаётган ёш авлод саломатлиги ҳақида энг кўп ғамхўрлик кўрсатилаётган давлатлар орасида 9-ўринни эгаллади. Бу каби юксак эътироф ва эътибор намуналарини кўплаб келтириш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, ёшларимизнинг улкан салоҳиятини ҳар томонлама рўёбга чиқариш учун уларнинг илм-фан, техника, ахборот технологиялари, маданият, санъат, спорт, тадбиркорлик каби соҳалардаги ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ишларини янада кучайтириш, шунингдек, Ўзбекистонда кучли ёшлар сиёсатини амалга оширишда давлат ва жамоат тузилмаларининг ижтимоий шериклигини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш зарур.

**Дилфуза ЭРГАШЕВА**
**суҳбатлашди.**




“Ҳикмат уммонининг дурлари” китоби. Биринчи жилд. Ғарб адабиёти: ҳикматлар. Тўпловчи ва сўз боши муаллифи Юридик фанлар доктори, профессор А.Х.САИДОВ. — Тошкент: “FAYLASUFLAR” нашриёти, 2015 йил.

# Ҳикматлар — ақл, сўз ва ҳаракат уйғунлигининг тимсоли

**Ҳикматли сўзлар (афоризмлар) — асрлар оша мангудир**. Инсон ҳаётининг барча соҳаларига оид тушунчаларни шарҳлаш ҳамда изоҳлаш мақсадида одамлар азал-азалдан масал, мақол ва ибратли сўзлар — ҳикматлардан кенг фойдаланиб келган.

Турли халқларда, “ҳикматли сўз” тушунчасига турлича таъриф берилади. Масалан, **“Сўзда сеҳр бор, шеърда эса ҳикмат”**[1], деган Ҳадиси шарифни эслайлик. Ҳазрат Али (р.а.) таърифича эса: **“Илм нур бўлса, ҳикмат денгиздир”**. Гап шундаки, ўтмиш замонларда ҳикмат шеърдан ҳам юқори тутилган. Зотан, **ҳикмат бу:**

— тажриба билан эришиладиган тўғри билим;

— Ҳаққа мувофиқ сўз;

— ҳамма нарсанинг энг мукаммали;

— билимдонлик, донишмандлик, ақлу ҳақиқатга тўғри келадиган нозик маъноли, ахлоқ ва ҳақиқатга доир фойдали мухтасар сўз;

— ақл, сўз ва ҳаракатдаги уйғунлик, демакдир.

Кундалик турмушда бирор илмий атамага дуч келганимизда, уни дарҳол англаб олиш ҳар доим ҳам осон кечмайди. Атамалардан фарқли ўлароқ, ҳикматларни барча бир хилдек тушунади, осонгина англаб етади. Муайян атаманинг маъносини билиш учун одатда турли луғатларни варақлашга тушсак, бу мураккаб дунё ишларининг айрим муаммоли жиҳатларига ечим топишда эса айнан ҳикматлар **“ҳаётий луғат”** вазифасини ўтайди. Ҳақиқатан ҳам, ҳикматлар — ақл, сўз ва ҳаракат уйғунлигининг тимсоли, демакки, том маънода, ҳаёт луғатидир.

Ҳазрати инсон бешикдан то қабргача ҳаёт илмини ўзлаштириб олишга интилади. Бу йўлда унга ҳамиша ҳикматли сўзлар ибрат ва намуна, ишонч ва мадад бўлади, азму шижоат бағишлайди. Бундай заковат хазинасидан доимо баҳра ва завқ олиб туришга не етсин.

**ДАНТЕ АЛИГЬЕРИ**

Данте Алигьери 1265 йили 25 май куни — 20 июнь оралиғида дунёга келган. Тўлиқ исми — Дуранте. Аммо тақдир уни Данте номи билан бутун дунёга машҳур қилган.

Буюк шоир ва олим, сиёсатчи ва дипломат, айни пайтда яна кўплаб билимлар билимдони, Коинот фуқароси номига сазовор бўлган Данте Алигьери нодир ва мангу боқий асарлари билан инсоният маънавий хазинасига улкан ва бебаҳо ҳисса қўшган жаҳон адабиётининг даҳосидир.

Дантенинг ҳаётига оид маълумотларнинг аксарияти унинг ўз асарларида, шунингдек, **Ж.Бокаччо, Бенвенуто, Л.Бруно** каби адибларнинг буюк замондошлари таржимаи ҳоли ҳақидаги муайян даражада ривоятлаштирилган манбаларда келтирилади. Данте **“Янги ҳаёт”** (“Vita Nuova”) ва **“Базм”** (Convivio)да ўз ҳаёти билан боғлиқ воқеаларни рамз ва шамалар билан шунчалик чирмаб ташланганки, сирли рақамлар, хаёлий тасаввурлар жумбоқларининг тагига етиш жуда мушкул. Дантега бағишланган адабиёт сон-саноқсиз эканлиги ва муттасил кўпайиб бораётганлигига қарамасдан, вақт ўтиши билан унинг таржимаи ҳолига тааллуқли маълумотлар камаймоқда: янги фактлар топилмаяпти, дастлабки дантешунослар буюк адиб ҳаёти ҳақида келтирган маълумотлар жиддий танқид остига олинмоқда.

Умуман олганда, буюк италиан шоири Данте ҳаёти тўғрисида жуда кам далилий ва ашёвий маълумотлар сақланиб қолган. Айрим йилларда у қаерда, нима билан машғул бўлганлиги аниқ маълум эмас. Афсуски, бизгача Дантенинг ўз қўли билан ёзиб қолдирган бирор сатри етиб келмаган.

Данте биргина шеъриятдан сабоқ олиш билан чегараланмаган. Барча бадавлат, айниқса, дворян оилаларининг болалари каби Данте расм чизиш ва мусиқани ҳам ўрганган. Лекин бу санъат турлари унга шеърият каби қадрли бўлмаган. Дантенинг ўзи ҳикоя қилишича, у Беатриче вафот этганининг бир йиллигида ўз маҳбубаси сиймосини жонлантириш мақсадида ҳурлиқо суратини чизган. Расм чизиш, мусиқа асбобларида куй чалиш уни рассом ҳам, мусиқачи ҳам қилмаган бўлса-да, келгуси ижодига ўз таъсирини кўрсатмай қолмаган. **“Илоҳий комедия”** сатрларида тез-тез кўзга ташланадиган бадиий бўёқлар — ҳар бир рангнинг энг нозик жилваларини фарқлай олиш, уйғунлик ҳиссияти унинг ёшлик пайтидаги машғулотлари маҳсули бўлган.




“Илоҳий комедия”нинг “Дўзах” достонини Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов ўзбек тилига таржима қилган ва бу асар алоҳида китоб шаклида нашр этилиб, ўзбек китобхонлари ҳукмига ҳавола қилинган.

**ДАНТЕ АЛИГЬЕРИ ҲИКМАТЛАРИ**

Алдов ва куч — ёвузлар қуролидир.

* * *

Қўрқув маслаҳатгўй бўла олмайди.

* * *

Таъмагирлик — сунъий қашшоқликлир.

* * *

Инсон қалби — дунёнинг энг буюк мўъжизасидир.

* * *

Ўзгалар нони заққум, ўзгалар остонасининг зиналари заҳмат поғоналаридир.

* * *

Одамлар нима деса деяверсин, ўз йўлингда давом эт.

* * *

Ким вақтни бой бераётганлигидан қойинса, ўша одам энг донодир.

* * *

Тубсиз осмонда энг секинлик билан ҳаракат қилаётган жисмнинг лаҳза билан таққосланишига қараганда минг йиллик мангуликка нисбатан анча қисқароқ вақтдир.

* * *

Раҳм-шафқат — бу ҳиссиёт эмас; балки қалбнинг севги, эзгулик ва бошқа сахий туйғуларни идрок этишга тайёргарлик ҳолатидир.

* * *

Ўзгалар мени кўришаётганини билиш учун кўзларимни очдим.

* * *

Фалсафа — бу олий мавжудотдир.

* * *

Адолат учун даъват этаётган шахс ўзига нисбатан қилинган қонунсизликни била туриб, унга адолатсизликни раво кўрганларни муносиб одамлар сифатида эътироф этса, унга бу дунёда ўрин йўқ.

* * *

Ёлғиз киши оилавий ҳаётга интилгани каби ёлғиз хонадон ҳам қўшнилар бўлишига эҳтиёж сезади, акс ҳолда кўп нарса бахт-саодатга тўсқинлик қилган бўлур эди.

* * *

Инсониятнинг бирлиги ўзаро тотувлигидадир.

* * *

Агар қонунлар бу қонун тасарруфида бўлганлар бахт-саодатига қаратилмаган бўлса, улар номигагина қонун ҳисобланади, амалда эса қонун бўла олмайди. Зеро, қонунлар одамларнинг умумий фойдаси учун уларни бир-бири билан боғлаши керак.

* * *

Ҳуқуқ — жамият ҳаётини тартибга соладиган энг зарур воситадир.

* * *

Эркинлик — Тангри томонидан инсонга ато этилган буюк неъматдир.

* * *

Табиат томонидан ўрнатилган тартибни ҳуқуқ билан сақлаш керак. Акс ҳолда инсоний жамият дунё тизимидан узилиб қолади.

**Профессор Акмал САИДОВ тайёрлади.**

Ёшлар нигоҳи

# Юксак мақсадларни кўзлаб

**МАНА, энг улуғ, энг азиз неъматимиз бўлмиш мустақиллигимизнинг йигирма бешинчи йилига ҳам қадам қўйдик. Эътироф этиш лозимки, истиқлолнинг ана шу ўтган даври мобайнида барча жабҳаларда асрларга татигулик муваффақиятларга эришилди. Айниқса, биз меҳнат қилаётган таълим тизимидаги ислоҳотлар кўлами жуда кенг.**

Олтиариқ иқтисодиёт коллежи негизида ташкил этилган Олтиариқ енгил саноат ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежининг фаолияти ҳам ана шу ислоҳотлар самарасидир.

Айни пайтда коллежда товаршунос, трикотаж ишлаб чиқариш техник технологи, тикув ва тикув трикотаж буюмларини ишлаб чиқариш техник технологи, кенг ассортиментдаги кийимлар модельер-конструктори, тўқимачилик ишлаб чиқариш техник технологи, бухгалтерия, молия, солиқ ва банк иши мутахассисликлари бўйича 1102 нафар ўқувчи 85 нафар устоз-мураббий ҳамда ишлаб чиқариш таълими усталари қўлида таҳсил олмоқда. Бунинг учун мавжуд фан кабинетлари билан бирга физика, кимё, биология лабораториялари зарур анжомлар, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозланган. Ўқув амалиётлари эса намунали тарзда ташкил этилган. Шунингдек, ўқув амалиётлари самарадорлигини таъминлаш мақсадида “Тикув ва тикув трикотаж буюмларини ишлаб чиқариш техник технологи”, “Кенг ассортиментдаги кийимлар модельер-конструктори” касблари бўйича йўриқли технологик харита (тарқатма материал)лар яратилган.

Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги **“Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида хорижий тилларга ихтисослашган лингафон хонаси ташкил этилиб, унда намунавий очиқ дарслар ва фан кечалари мунтазам равишда ўтказиб борилмоқда.

Маълумки, зиммамиздаги энг муҳим вазифалардан бири бу — қизларни турмушга тайёрлаш, эрта турмушнинг олдини олиш, эрта турмушнинг салбий оқибатлари ва репродуктив саломатлик бўйича билимларини оширишдир. Бу борада туман хотин-қизлар кенгаши вакиллари, тиббиётчилар, кўп йиллик ҳаётий тажрибага эга бўлган ибратли оилалар соҳиблари билан ўтказилаётган учрашув ва давра суҳбатлари ҳамда “Ораста қизлар”, “Ёш ижодкор қизлар” тўгараклари муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир.

Бундан ташқари, ўқувчилар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш, уларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш мақсадида ўтилаётган “Конституция сабоқлари” дарслари ва “Давлат ва ҳуқуқ асослари” фанларида янада қизиқарли, замонавий ўқитиш услубларидан фойдаланиляпти. Қолаверса, тадбирларимизга ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг тажрибали ходимлари жалб қилинмоқда. “Сиз қонунни биласизми?”, “Ҳуқуқ билимдонлари”, “Ўйла, изла, топ!”, “Президент асарлари билимдонлари”, “Заковат” сингари турли кўрик-танловлар ёшларнинг ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлашга, дунёқарашини шакллантиришга, уларнинг онгига ҳуқуқ ва бурч тушунчаларини янада чуқурроқ сингдиришга хизмат қилиш баробарида тинимсиз изланишга ундамоқда. Масалан, “Президент асарлари билимдонлари” кўрик-танловининг вилоят босқичида иштирок этган коллежимизнинг “Ворислар” жамоаси фахрли 2-ўринни эгаллади.

Ўтган 2014-2015 ўқув йилида коллежимизни 532 нафар ўқувчи битирганди. Шундан 481 нафари иш билан таъминланди, 12 нафари эса олий ўқув юртларида таҳсилларини давом эттирмоқда. Шуниси эътиборлики, битирувчиларнинг 39 нафари тижорат банкларининг имтиёзли кредитларини қўлга киритди. Жумладан, битирувчимиз Баҳромжон Қодиров АТБ “Асакабанк”нинг Олтиариқ филиалидан 10 миллион 400 минг сўм миқдорида имтиёзли кредит олиб, хизмат кўрсатиш фаолиятини йўлга қўйди. Мурoджон Мамадалиев ҳам мазкур банкнинг 7.200.000 сўмлик кредити эвазига қушхона ташкил қилиб, 2 нафар тенгдошини иш билан таъминлади. Айни пайтда бўлажак битирувчиларимизнинг 75 нафардан ортиғи кредит олиш истагини билдирган.

Бир сўз билан айтганда, коллежимиз жамоаси юксак мақсадларни кўзлаб меҳнат қилмоқда. Фурсатдан фойдаланиб, барча юртдошларимизни ва ҳамкасбларимизни мамлакатимизга чексиз шоду хуррамликлар олиб келган янги 2016 йил билан табриклаймиз!

**Умида МИРЗОҲИДОВА, Олтиариқ енгил саноат ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи директори**

Фаолият

# Манфаатлар ҳимояси

## муҳим ва долзарб вазифа

**НАВОИЙ вилоят адлия бошқармаси томонидан тадбиркорликка оид қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.**

Жумладан, Президентимизнинг 2015 йил 28 сентябрдаги **“Тадбиркорлик субъектларига “ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги Қарорига асосан тажриба тариқасида вилоятнинг Кармана ва Қизилтепа туманларида “Ягона дарча” марказлари ташкил этилиб, уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан семинарлар уюштирилди.

Шунингдек, тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, улар фаолиятида учрайдиган тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш мақсадида адлия бошқармасида “Ишонч телефони” ташкил этилган. Бундан ташқари, бошқарманинг расмий веб-сайти орқали мурожаатларнинг қабул қилиниши ҳам йўлга қўйилган.

Ўтган ҳисобот даврида тадбиркорларнинг жами 305 та мурожаати қабул қилиниб, қонуний ҳал этилди.

Масалан, Хатирчи туманида фаолият юритувчи “Муртазоев Илзод паррандаси” ХКнинг АТ “Халқ банки” Хатирчи туман филиали томонидан кредит маблағи ажратилмаётганлигидан норози бўлиб қилган мурожаати ўрганиб чиқилди.

Натижада адлия бошқармаси томонидан АТ “Халқ банки” Хатирчи туман филиалига тақдимнома киритилиб, тадбиркорлик субъектига 15 миллион сўм миқдорида кредит маблағи ажратилиши таъминланди.

Шунингдек, тадбиркорлар фаолиятига ноқонуний аралашувларнинг олдини олишда **“Текширишларни рўйхатга олиш китоби”** жорий этилгани ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳозирда тадбиркорлар фаолиятига ноқонуний аралашувларни тезкорлик билан аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида “Текширишларни рўйхатга олиш китоби”га қайд этишнинг онлайн-электрон тизими ҳам йўлга қўйилган.

Бундан ташқари, тадбиркорларга 34 мингдан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан иборат электрон кўринишдаги Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасидан (lex.uz) исталган вақтда интернет орқали бепул фойдаланиш имконияти яратилди.

Ҳисобот даври мобайнида жами 65 та давлат бошқаруви органлари ва бошқа идораларда тадбиркорлик фаолиятига доир қонун ҳужжатларига риоя қилинишининг аҳволи ўрганилганда жами 3.132 та қонунбузилиш ҳолатига йўл қўйилганлиги маълум бўлди.

Ўрганиш давомида аксарият ҳолларда тадбиркорлик субъектларининг мурожаатларини кўриб чиқишда (87 та), лицензия ва бошқа рухсатномаларни беришда (14 та), уларнинг фаолиятида текширишлар ўтказишда (101 та), маъмурий жарималар қўллашда (175 та), тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тўхтатиб туришда (16 та), солиқ қонунчилигини қўллашда (27 та), молиявий жарима қўллашда (23 та), банк соҳасида (80 та) ва бошқа (2.077 дан ортиқ) ҳолатда қонун ҳужжатлари талаблари бузилаётгани аниқланди.

Мазкур қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш юзасидан қўлланилган таъсир чораларига кўра, 189 нафар мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди, шу жумладан, 2 нафар мансабдор шахс эгаллаб турган лавозимидан озод қилинди.

Шунингдек, ўрганишлар давомида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини чеклаб, ҳуқуқбузарлик ҳолатига йўл қўйган 43 нафар мансабдор шахсга нисбатан маъмурий баённома расмийлаштирилиб, жавобгарлик чорасини қўллаш учун судларга юборилди.

Масалан, Навоий шаҳридаги “Абдужаббор сервис турлари” шўъба корхонасининг “Ғарбгазтаъминот” УК “Навоийшаҳаргаз” филиали томонидан газ тармоғидан узиб қўйилганлигидан норози бўлиб қилган мурожаати ўрганиб чиқилди. Корхона “Навоийшаҳаргаз” филиалига табиий газ истеъмолига қўшимча эҳтиёж мавжудлиги сабабли шартномада белгиланган ҳажмларга ўзгартириш киритишни сўраб мурожаат қилган бўлса-да, филиал томонидан корхонанинг мурожаати 2 ойдан ортиқроқ муддат ўтган бўлишига қарамасдан, ўрганиб чиқилмаган ҳамда натижаси бўйича жавоб хати берилмаган.

Вилоят адлия бошқармасининг аралашуви билан “Абдужаббор сервис турлари” шўъба корхонаси табиий газ тармоғига қайтадан улаб берилди, шунингдек, “Навоийшаҳаргаз” филиалининг қонунбузилишга йўл қўйган масъул ходимига нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома расмийлаштирилиб, жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судига юборилди.

Таъкидлаш жоизки, тадбиркорликни ривожлантириш, тадбиркорларнинг ишончли ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, бу борада қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини тўғри англаган ҳолда амалда тўлиқ ижросини таъминлаш — ҳар биримизнинг устувор вазифамиз эканлигини унутмаслик лозим.

**Адҳам ТУРДИЕВ, Навоий вилоят адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари**

Талқин

# Ҳуқуқларингиз бузилганда

## қайси эшикни тақиллатган маъқул?

МАЪЛУМКИ, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш демократик давлатнинг устувор вазифаларидандир. Фуқаролик кодексида инсон ҳуқуқларини ҳимоялашнинг иқтисодий ва суд амалиётида учрайдиган ўн бир усули мавжуд. Шу билан бирга фуқаролик ҳуқуқини қонунда назарда тутилган бошқа усуллар билан ҳам ҳимоялаш мумкин. Шунингдек, бир вақтнинг ўзида фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоялашнинг бир неча усулини қўллаш истисно қилинмайди.

Фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг махсус (маъмурий) ҳамда суд усули мавжуд бўлиб, уларнинг фарқи маъмурий усул процессуал воситага эга бўлиб, шу орқали бузилган фуқаролик ҳуқуқларини тиклайди. Судда асосий процессуал восита даъво ҳисобланса, маъмурий усулда эса бу — тегишли органларга юбориладиган шикоят ҳисобланади.

Маъмурий усулнинг ўзига хослиги, бунда шахс фақат ҳуқуқларга эга бўлади. Хусусан, жабрланувчи юқори турувчи органга шикоят бериши, судга эса мурожаат қилиши мумкин. Агар маъмурий усул танланган бўлса, тегишли давлат органларига шикоятни ўз вақтида кўриш, тегишли чораларни қабул қилиш, бу ҳақда шикоят берувчига хабар берилади.

Қонунда шикоят берилиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлар доираси белгиланган бўлиб, унга кўра, давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва мансабдор шахсларнинг шикоят қилишга лойиқ жамоавий ёки якка тартибдаги хатти-ҳаракатлари (қарорлари) жумласига:

— фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузган;

— фуқаронинг ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини рўёбга чиқаришга монелик туғдирган;

— фуқаро зиммасига қонунга хилоф равишда қандайдир мажбурият юклатилишига сабаб бўлган хатти-ҳаракатлар (қарорлар) киради.

Қонунда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар (қарорлар) устидан шикоят билан бевосита судга ёки тобелик тартибида юқори турувчи органга ёхуд мансабдор шахсга мурожаат қилиш ҳуқуқини белгилайди.

Шикоятни кўриб чиқиш муддати белгиланган бўлиб, тобелик тартибида юқори турувчи орган, мансабдор шахс шикоятни бир ойлик муддатда кўриб чиқишлари шарт. Агар фуқаронинг шикоятини қаноатлантириш рад қилинган бўлса ёки у шикоят берган кундан бошлаб бир ой мобайнида жавоб олмаган бўлса, судга шикоят билан мурожаат қилишга ҳақли.

Шикоят фуқаронинг хоҳишига қараб ё у яшайдиган судга ёки орган жойлашган ердаги ёхуд хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоят қилинаётган мансабдор шахснинг иш жойидаги судга берилади.

**Моҳинабону ЮСУПЖОНОВА, ТДЮУ магистранти**

Эълонлар

Наманган вилоят адлия бошқармасининг 2015 йил 15 декабрдаги 349-ум-сонли буйруғига асосан “Адолат қўрғони” адвокатлар ҳайъати адвокати Охунжанов Акрамжон Солижановичга 2009 йил 8 майда берилган NA №000081-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тугатилди.

Навоий вилоят адлия бошқармасининг 2015 йил 11 декабрдаги 176-ум-сонли буйруғига асосан Навоий шаҳридаги “SHARIPOVA VA XAMRAYEV” адвокатлик фирмаси адвокати Шарипов Бектош Эргаш ўғлига 2015 йил 14 июлда берилган NV №000106 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши тугатилди.

Навоий вилоят адлия бошқармасининг 2015 йил 24 декабрдаги 186-ум-сонли буйруғига асосан адвокат Амонов Севгиддин Хамроевич Навоий шаҳридаги “Shans-NIKA” адвокатлик фирмасидан чиққанлиги сабабли унинг адвокатлик мақоми уч ойдан ошмайдиган муддатда амалга ошириладиган бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этилгунига қадар ёхуд мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргунига қадар тўхтатилди.

Сирдарё вилоят адлия бошқармасининг 2015 йил 23 декабрдаги 273-ум-сонли буйруғига асосан Пардаев Мирзо Бозоровичга адлия бошқармаси томонидан берилган SI 000127 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва адвокат мақоми тикланди.

Самарқанд вилоят адлия бошқармасининг 2015 йил 19 декабрдаги 523-ум-сонли буйруғига асосан Самарқанд шаҳридаги “DJAVADOV X.A” адвокатлар ҳайъати адвокати Ортиқова Олия Отақуловнага вилоят адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 8 июнда берилган SA 000054-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва унинг адвокатлик мақоми суд ҳукми қонуний кучга киргунга қадар ёхуд реабилитация қилувчи асосларга биноан уни жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилингунга қадар бўлган давргача тўхтатилди.

* * *

Самарқанд вилоят адлия бошқармасининг 2015 йил 19 декабрдаги 524-ум-сонли буйруғига асосан Самарқанд шаҳридаги “QOMUS” адвокатлар ҳайъати адвокати Нурова Азиза Тишаевна адвокатлик мақоми тўхтатиб турилган 3 ой давомида адвокатлик фаолиятига киришмаганлиги сабабли унинг номига Самарқанд вилоят адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 12 июнда берилган SA 000306-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва унинг адвокатлик мақоми тугатилди.

Самарқанд вилоят адлия бошқармасининг 2015 йил 18 декабрдаги 521-ум-сонли буйруғига асосан адвокат Абдуллаев Худойназар Файзиевич Тайлоқ туман “EZGULIK SAMARQAND” адвокатлик фирмасига ишга кирганлиги сабабли унинг адвокатлик мақоми тикланди.

* * *

Самарқанд вилоят адлия бошқармасининг 2015 йил 18 декабрдаги 522-ум-сонли буйруғига асосан Самарқанд шаҳридаги “BOG'ISHAMOL HAQIQATI” адвокатлик фирмаси ва адвокат Патрушева Наталия Ивановна ўртасида тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги сабабли Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги Қонуни 13[1]-моддасига асосан (адвокат томонидан уч ойдан ошмайдиган муддатда амалга ошириладиган бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этилгунига қадар ёхуд мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргунга қадар бўлган давргача) унинг адвокатлик мақоми тўхтатилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги Қонуни 13[1]-моддасига мувофиқ “Аймурат Балтабаев” адвокатлик бюроси адвокати Балтабаев Аймуратга Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 15 июнда берилган QR №000038-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия ва адвокатлик мақомининг амал қилиши Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирининг 2015 йил 24 декабрдаги 304-ум-сонли буйруғи билан вақтинча тўхтатилди.

* * *

Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги Қонуни 16-моддасига асосан “USNATDINOV MURATBAY” адвокатлик бюроси адвокати Уснатдинов Муратбай Утемисовичга вазирлик томонидан 2009 йил 15 июнда берилган QR №000041-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия ва адвокатлик мақомининг амал қилиши Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирининг 2015 йил 24 декабрдаги 305-ум-сонли буйруғи билан тугатилди.

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси жамоаси Учтепа туман 6-сон давлат нотариал идораси нотариуси ёрдамчиси **Ўғилой ТЎЛАГАНОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Реклама ўрнида

# Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун

**ХАЛҚ фаравонлигини таъминлашга қаратилган ислоҳотлар замирида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилганлиги ҳамда банк-молия тизими томонидан қулай ишбилармонлик муҳитини яратишга асосланган кенг кўламли тадбирларнинг босқичма-босқич амалга оширилаётганлиги ўз натижаларини тобора намоён этмоқда. Бу эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси вакиллари учун катта имкониятларни яратди ва энг муҳими, мамлакат аҳолисида фаровонликка эришишга мустаҳкам ишонч уйғотди.**

**Банк тизими тадбиркорларнинг ҳамкори ва ишончли таянчи тамойилига асосланган ҳолда мамлакатимиз ишбилармонлик муҳити вакилларининг ишончини тўла қозониш вазифасини етакчи мақсад қилиб олган. Шу мақсад йўлида мамлакатимиз банк тизими молиявий хизмат кўрсатишнинг барча соҳаларида замон талабига монанд самарали фаолиятни амалга оширмоқда ва халқ фаровонлигини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлида салмоқли натижаларга эришмоқда.**

**Албатта, бунда банк тизимини самарали бошқараётган республика Марказий банки алоҳида ўринни эгаллайди. 24 йил давомида юртимиз банк тизимида самарали механизм йўлга қўйилганки, бу жараёнда банк тизими барча муваффақиятларга эришмоқда.**

**Келинг, аҳоли ва ёшларнинг бу борадаги фикрлари билан танишиб, юртимиз банкларидан бири бўлган "Давр-банк" ХАТБ томонидан амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг нечоғлик самара бераётганига назар ташлайлик.**




**Пахриддин ТУРОПОВ, Тошкент шаҳар, Олмазор туманидаги "Хон-Чорбоғ" маҳалла фуқаролар йиғини фаоли:**

— Авваламбор, юртдошларимизни ўлкамизга кириб келган Янги йил байрами билан чин қалбимдан табриклайман. Бизнинг юртимизга фақат байрамлар ярашади. Мамлакатимизда тинчлик-осойишталик бўлаётгани учун юртимиз равнақ топмоқда, одамларимиз тинч-тотув яшаяпти.

Юртимизда йилига қанчадан-қанча ишлаб чиқариш корхоналари ишга туширилмоқда.

Президентимиз буюк келажагимиз "боғлари"ни яратиб бердики, бугун бу "боғ"лар ўз ҳосилини бермоқда. Истиқлол "мева"ларидан ёшу кекса баҳраманд бўляпмиз. Халқимиз тинч, аҳил-иноқ бўлиб, осуда ҳаёт кечирмоқда. Аҳолимиз тадбиркорлик қилиб, оиласи билан бирга маҳалласига ҳам ёрдами тегиб, бунёдкорлик ишларини амалга оширмоқда. Тадбиркорлик орқасидан ўғил-қизларига тўй-ҳашамлар қилмоқда, уйлар қуриб, ҳовли тўйларини нишонламоқда.

Президентимиз бундан 24 йил олдин навқирон ёшларимиз юртимизда эркин ва фаровон ҳаёт бунёд этишда, барча эзгу орзу-умидларимиз рўёбга чиқишида Ватанимизнинг ҳақиқий таянчи ва суянчи бўлади, деб уларга катта ишонч билдирган эди. Ёшларимиз бугун ҳақиқатан ҳам барча соҳаларда илғор бўлиб, Ватанимиз тараққиётига хизмат қилмоқда. Бугун Ўзбекистон дунёга юз тутяпти. Юртимизда ишбилармон ёш тадбиркорлар сафи кенгайиб боряпти.

Бошқа ҳудудлар сингари бизнинг маҳалламизда ҳам мард ва шижоатли ёш тадбиркорлар сафи йилдан-йилга кўпаймоқда. Таъкидлаб ўтиш жоизки, тадбиркорликни ривожлантиришда банкларнинг ўрни катта бўлаётир. Олаётган кредитлари жудаям содда бўлиб, қисқа муддат ичида ҳеч бир қийинчиликсиз ўз бизнесларини йўлга қўймоқдалар. Банк ходимлари аҳоли билан юзма-юз учрашиб, яқиндан амалий ёрдам беряптилар.

Аҳолимизнинг кайфияти ниҳоятда баланд. Чунки банклар томонидан берилаётган имтиёзлар ҳар бир хонадонга қут-барака олиб келиш билан бирга эртанги кунга бўлган ишончни ҳам мустаҳкамламоқда. Бу банкларда омонат маблағларини сақлаш ишончли эканлигидан ва қўшимча даромад келтираётганидан. Яна бир томони банкка қўйилган омонат маблағлари ҳеч бир қийинчиликсиз аҳолининг биринчи талабиданоқ банклар томонидан берилмоқда. Шу билан бирга коммунал тўловларни тўлашда банкларнинг кўчма кассалари қулайлик туғдириб, одамларга жуда қўл келмоқда. Имтиёзлардан яна айтадиган бўлсам, олий ўқув юртларига шартнома асосида ўқишга кирган ёшларга таълим кредитлари берилиши уларга катта имконият яратмоқда.

Албатта, ҳар бир ота-она фарзанди бахтли бўлишини хоҳлайди. Ана шу ёшларимизнинг бахт тўйлари учун ҳам тўёна кредити жорий этилгани ота-оналарга катта енгилликлар беряпти, десам муболаға бўлмайди.

Ёшларимизни, айниқса, коллежларни битирган ёшларни тадбиркорликка йўналтириш, энг муҳими, уларни иш билан таъминлашда банкларимиз ёрдами катта бўлаётир.

Шу билан бирга банкларимизнинг саъй-ҳаракатлари билан хизмат кўрсатиш соҳалари ҳам анча ривожланди. Савдо дўконларида ҳамма маҳсулотлар муҳайё. Савдо қилиш учун накд пулдан ташқари тўлов терминаллари ҳам ишлаб турибди. Барака топишсин, деб қарияларимиз банк ходимларини доимо дуо қилишади.

**Санжар РУСТАМОВ, "FLUKE MEBEL" МЧЖ раҳбари:**

— Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон! Ушбу сўзларни айтаётганда, беихтиёр қалбингиз ғурур ва ифтихорга тўлиб кетади. Шундай улуғ юрт фарзанди эканлигингиздан, унда яшаётган ҳар бир фуқаронинг инсоний қадр-қиммати Ватаннинг ўзи каби улуғлигидан, ҳар қандай вазият, ҳар қандай ҳолатда юрт Президенти ва қадрдон Ватан сизга таянч бўлишидан, Ўзбекистон деган номнинг ўзи дунё бўйлаб ифтихор билан мағрур юришингиз учун юз, минг карра муносиблигидан чексиз-чегарасиз бахт, ҳузур-ҳаловат ҳиссини туясиз. Бугун юртимизда Президентимиз томонидан биз ёшларга катта имкониятлар яратилган.

Айрим тенгдошларим коллежларни тамомлагандан сўнг олий ўқув юртларида ўз севган касби бўйича ўқишни давом эттираётган бўлса, баъзилари тадбиркорлик қилиб юрт иқтисодиётига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Мен Олмазор политехника касб-ҳунар коллежини тамомладим. Коллежда ўқиб юрганимда банк ходимлари коллежимизга келиб тадбиркорликни йўлга қўйиш бўйича амалий маслаҳатлар беришарди. Ўшанда тадбиркорлик соҳасига қизиқиб, мебель ишлаб чиқариш лойиҳаси бўйича иш олиб боришни ўзимга белгилаб олувдим. Коллежни битириб, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун ишни бошладим. Бироқ орзу қилган билан молиявий маблағ бўлмаса қийин экан. Шунда "Давр-банк" ХАТБнинг Олмазор филиали ходимларига мурожаат қилдим. Банк ходимлари лойиҳамни қўллаб-қувватлаб, менга 8 миллион сўм кредит ажратиб беришди. Ушбу маблағга ёғоч маҳсулотларини сотиб олдим. Соф фойда ойига 3-3,5 миллион сўмни ташкил этмоқда. Даромадимнинг биринчисини ота-онамга бердим. Ана шу бахт менинг бир умрлик эсимда қолди. Бугун оиламга ёрдамим тегаётган бўлса, маҳаллам ободлигига ҳам фойдам тегяпти. Энг муҳими, корхонамда 6 нафар тенгдошим меҳнат қиляпти.

Кечагина коллежни битирган бўлсам, бугун катта тадбиркорман. Ишлаб чиқараётган мебель маҳсулотларимдан аҳоли кенг фойдаланмоқда. Ана шундай муроду мақсадимга етказган банк ходимларига миннатдорчилик билдираман. Ишонч билан айтаманки, ҳақиқатан ҳам банклар биз ёшларнинг ишончли ҳамкоримиз ва таянчимиз. Юртимизда ана шундай банкларимиз борлигидан ғурурланамиз. Банк ходимларининг фидокорона меҳнати мен каби ёшларнинг орзулари ушалишида, ғоялари амалга ошишида катта куч бағишлаётгани ва имкониятлар яратаётгани таҳсинга сазовордир.

**Аббосжон ТОЛИБОВ, "Тошкент Учтепа текстиль" МЧЖ раҳбари:**

— Бизнесни муваффақиятли йўлга қўяман, деган тадбиркор доимо изланишда бўлиши зарур. Бунда асосан, бозорни мунтазам кузатиб, талабга яраша таклиф билан чиқиш, маҳсулот сифати, айниқса, унинг рақобатбардошлигига эътибор қаратиш талаб этилади. Корхонамиз фаолият бошлагандан буён охирги уч йил мобайнида масаланинг айни жиҳатларини устувор тутишга интилдик ва тикаётган турли хил кийим-кечакларимиз ички бозорда ўз ўрнига эга бўлди. Бироқ бу соҳада бир жойда тўхтаб туриш, аниқроқ айтганда, хотиржам бўлиш ярашмаслигини тушуниб етдик. Чунки бизга ўхшаш тикувчилик билан шуғулланаётган корхоналар жуда кўп, табиийки, улар ўртасидаги рақобат ҳам шунга яраша. Ҳаракатни озгина сусайтирдингизми, орқада қолишингиз, пировардида, бозордаги ўрнингизни бой беришингиз ҳеч гап эмас. Шундан келиб чиқиб, бизни асосан дастгоҳларни янгилаш масаласи ўйлантирарди. Тўғри, улар бугунги кун талабига яраб турибди. Лекин эртагачи, кун сайин янгиланиб бораётган урф, дизайн, харидорнинг диди ўсиб бораётган талабига жавоб қайтара оламизми? Ана шундай фикрлар атрофида бош қотириб юрган паллада дилимизда янги ғоя туғилди. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиб, технологик ускуналарни замонавийлари билан алмаштирсак, маҳсулотларимизнинг рақобатбардошлиги ортиб, бозордаги мавқеимиз янада мустаҳкамланмайдими? Бу фикр бутун жамоага маъқул тушди. Мутахассислар билан кенгашиб, бизнес лойиҳа тайёрладик. Асосан хорижнинг замонавий тикув ва бошқа зарур ускуналаридан иборат замонавий технологик линияни ишга туширишни кўзда тутган лойиҳанинг молиявий таъминотига ўзимиз мижоз бўлган "Давр-банк" ХАТБнинг Учтепа филиали ёрдам қўлини чўзиб, узоқ муддатли имтиёзли кредит ажратди.

Маблағ масаласи ҳал бўлгандан кейин ишнинг юришиши осон кечар экан. Замонавий тикув машина ва ускуналарни олиб келдик. Машина ва ускуналар компьютер асосида бошқарилади. Бундай техникани ҳаракатга келтириш учун, аввало, зеҳни ўткир, уқувли ишчилар керак. Лойиҳа ижроси жараёнида юзага келган қўшимча 20 та янги иш ўрнига ғайратли йигит-қизларни, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини танлов асосида саралаб олдик. Эндиликда кийимлар андазасини олишдан дазмоллашгача бўлган жараёнларни пишиқ-пухта бажаришнинг уддасидан чиқаётган бу ёшларнинг ўзи тайёрлаётган маҳсулоти сифати учун жон куйдираётганини кўриб, гапнинг рости, тўлқинланиб кетаман.

Бугун киши кўрса ҳавас қиладиган тикувчилик фабрикасига эгамиз. Чеварларимиз қўлидан чиқаётган кийим-кечаклар импорт ўрнини бемалол босади. Бу, энг аввало, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси ривожига қулай шарт-шароит яратиб берилгани, хусусан, уларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда тижорат банклари имкониятларидан оқилона фойдаланилаётганлигининг ёрқин бир мисолидир. Унга жавобан янада астойдил меҳнат қилиб, бозорни юқори сифатли истеъмол моллари билан тўлдиришга муносиб ҳисса қўшиш жамоамизнинг бош шиорига айланган. Шу маънода "Давр-банк" ХАТБ жамоасининг молиявий хизматидан, мижозларга самимий муносабати ҳамда беғараз маслаҳатларидан миннатдормиз. Бундан кейин ҳам ушбу молия муассасаси билан яқин ҳамкорлик қилиб, янги-янги истиқболли лойиҳаларни рўёбга чиқариш ниятидамиз.

**Фазлитдин САИТОВ, "Baraka Plast Product" МЧЖ раҳбари:**

— Корхонамиз алюминий профильдан эшик ва ромлар ишлаб чиқармоқда. "Давр-банк" ХАТБнинг Учтепа филиали томонидан ажратилган кредит маблағлари ҳисобига янги дастгоҳ сотиб олиб фаолиятимизни кенгайтирдик. Корхонамизда ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобига пул маблағлари айланмаси ортди, 4 дан ортиқ иш жойи ташкил этилди.

Молиявий кўмак бергани учун "Давр-банк" ХАТБнинг Учтепа филиалига ўз миннатдорчилигимизни билдирмоқчимиз. Бу банкда кредитлаш механизми тизимли йўлга қўйилгани, кредитлар максимал тезлик билан кўриб чиқилиши мижозлар учун жуда қулайдир.

**Абдуваҳоб АБДУҚОДИРОВ, "RADUGA COLOR TRADE" МЧЖ раҳбари:**

— Имтиёзли кредитни олишда ҳеч қандай қийинчиликка учрамадик. Банк ходимларига керакли ҳужжатлар тўпламини топширганимиздан сўнг қисқа вақт ичида бизга 400 миллион сўм маблағ ажратилди. Кредит маблағини лакбўёқ маҳсулотларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган хомашё сотиб олишга йўналтирдик. Корхонамизда бу соҳани ташкил этиш муносабати билан қўшимча 10 та иш ўрни яратилди. Корхонамиз мамлакатимиз аҳолисининг уй-жой шароитларини яхшилашга, қурилиш ташкилотларини сифатли ва замонавий қурилиш маҳсулотлари билан таъминлашга кўмаклашаётир. Бу эса Президентимиз ташаббуси билан уй-жойларни замон талаблари асосида қуриш ва аҳоли турмуш маданиятини оширишга оид чора-тадбирларнинг амалдаги ифодасидир. Бошлаган ишимиз билан мамлакатимиз ривожига ҳисса қўшаётганимиздан мамнунмиз.

Кичик бизнеснинг ривожи бозорда рақобатбардош маҳсулотлар кўламини ҳам кенгайтирди. Бозор иқтисодиётининг тамойилларидан бири ҳам кучли рақобатдир аслида. Ҳалол, изланувчан, ишбилармон тадбиркор учун соғлом рақобат фақат интилиш ва янги мақсадлар беради. Асосийси, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатли ва ҳамёнбоп бўлса, албатта, ўз харидорини топади. "RADUGA COLOR TRADE" МЧЖ корхонаси маҳсулотига мижозлар эътибори тушган, доимий харидорларига эга.

**Исматулла ИСАЕВ, якка тартибдаги тадбиркор:**

— Халқимизнинг турмуш шароитини яхшилаш, уларнинг фаровон ҳаёт кечиришларини таъминлашнинг муҳим қатламига айланиб бораётган тадбиркорларга катта имкониятлар яратиб берилмоқда. Хусусан, қўлигул ҳунармандларнинг қўллаб-қувватланаётганлиги фаолият турларини янада кенгайтириш имконини бермоқда. Таъкидлаш жоизки, ҳунармандларимизга тижорат банклари томонидан берилаётган кўмак айни муддао бўлаётир.

Ҳунармандчиликни юртимиз бўйлаб ривожлантиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган "Давр-банк" ХАТБ Олмазор филиалининг ҳам ўз ҳиссаси бор. Якка тадбиркор бўлиб иш бошлаш учун банкдан 200 миллион сўм кредит олиб, чармдан турли хил маҳсулотлар ва пойафзаллар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдим.

Бугун мен каби кўплаб ҳунармандлар ҳунармандчиликнинг кенг тарқалган йўналишларида фаолият юритиб келишмоқда.

Эришаётган ютуғимизда банк ёрдами ниҳоятда катта. Молиявий кўмак учун "Давр-банк" ХАТБдан миннатдормиз.

**Фазилат БЎРИЕВА, якка тартибдаги тадбиркор:**

— Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, ғайрат-шижоатли тадбиркорларга кенг имкониятлар яратилди. Бу эса ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад — фаровонликка хизмат қилмоқда.

Ёшликдан тикиш-бичишга иштиёқим баланд. Ҳунаримни бошқаларга ўргатиш, ўз тадбиркорлигимни йўлга қўйишни дилга тугиб, "Давр-банк" ХАТБнинг Учтепа филиалига мурожаат қилдим. Масъул ходимлар лойиҳамни қисқа вақт ичида кўриб чиқиб, менга 35 миллион сўм кредит маблағи ажратдилар.

Берилган кредит маблағи эвазига хомашё ва керакли тикиш анжомларини сотиб олдим. Ҳозирда бу ерда 4 нафар хотин-қиз меҳнат қилмоқда.

Маҳсулотимиз харидоргир. Сабаби, улар айнан мижозларимиз талаб ва истакларига мослаб ишлаб чиқарилмоқда.

Банкларнинг кредитидан самарали фойдаланиш юксалишга олиб келишини ўз тажрибамдан кўрдим. Интилганга толе ёр, деб бежиз айтишмаган экан. Банклар билан тадбиркор ҳамкорлиги халқимизнинг фаровонлигига хизмат қилаётганидан жуда хурсандман.

**Икром РОЗИҚОВ, "ASAL SHIRIN NON" МЧЖ раҳбари:**

— Халқимиз нонни азиз неъмат сифатида қадрлайди. Дастурхонга, аввало, нон тортилади. Зувала тайёрлашдан тортиб тандирдан узиб олишгача бўлган юмуш асосан хотин-қизларимиз зиммасида. Кўп вақт ва меҳнат талаб қиладиган бу юмушни енгиллаштириш мақсадида мамлакатимизда нон ишлаб чиқарувчи корхоналарни кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугун шаҳримизнинг хоҳлаган тижорат банкига борсангиз, орзу-умидларга тўла мижозларга кўзингиз тушади. Банкларда тадбиркорлар хонаси ташкил этилган бўлиб, барча шароитлар яратилган.

Тадбиркорликни йўлга қўйиш мақсадида "Давр-банк" ХАТБнинг Учтепа филиалига бизнес лойиҳамни тақдим этдим. Кўп ўтмай, 150 миллион сўм кредит олдим. Замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхонада кунига 30 хил турдаги нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқармоқдамиз. Олинган кредит натижасида яна 5 нафар ёш ишли бўлди.

**Олимжон АХАТОВ, "Самара Унум" фермер хўжалиги раҳбари, Пайариқ тумани:**

— Юртимизда фермер хўжаликларини ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, Президентимизнинг "фермернинг орқасида мен турибман", деган сўзлари барча фермерлар сингари менга ҳам куч бағишлаб, хўжаликни янада ривожлантириш йўлидаги фаолиятимга шижоат ато этди. Яхши ниятлар билан аҳолига сифатли гўшт ва сут маҳсулотларини етказиб бериш учун наслли мол сотиб олдик. Албатта, наслли мол сотиб олиш ўз-ўзидан бўлмайди. Бунда "Давр-банк" ХАТБнинг Мирзо Улуғбек филиалига мурожаат қилиб, қисқа вақт ичида 680 миллион сўм олган кредит, катта мадад бўлди.

Ҳозирги кунда туман аҳолисига сифатли гўшт ва сут маҳсулотлари етказиб берилмоқда. Шу ўринда банкларнинг фермерларга кўрсатаётган ишлари таҳсинга сазовор эканлигини таъкидлаш жоиз. Биргина мисол, пахтани ёки ғаллани экишдан бошлаб, унинг ҳосилини йиғиштириб олгунга қадар бўлган машаққатли ишни, албатта, банкнинг кўмагисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ўз вақтида майдонга минерал ўғит сепмасангиз ҳосилдорлик кўзланган мақсадни бермайди. Ёки дейлик туманимизда кўпгинга фермерлар банкларнинг кўмаги билан интенсив боғлар барпо қилмоқда. 3 йил олдин олма, нок ва бошқа мевали дарахтларни эккан фермер бугун тонналаб ҳосил олиб, энг илғорлардан бўлиб, туман аҳолисининг дастурхонини турли хил мевалар билан таъминламоқда.

Банклар ҳақида гапирганда, мен доимо тўлиб-тошиб гапираман. Бунга катта асосим бор. Банк туфайли катта орзуимга, ўз маблағимга эга бўлдим. Биз Пайариқ тумани фермерлари банкимиздан ҳам, бизга яратиб берилган имтиёзлардан ҳам кўнглимиз тўқ, ҳаётимиз фаровондир.

**Одилжон САЪДУЛЛАЕВ, оилавий тадбиркор:**

— Юртимизда сўнгги йилларда оилавий тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш, хусусан, касаначиликни кенгайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада ишбилармон-тадбиркорларнинг ишончли ҳамкорига айланиб улгурган банк ходимларининг хизматлари катта бўлмоқда. Мен ҳам оилавий тадбиркорлигимни йўлга қўйишимда оилам кўмаги ва "Давр-банк" ХАТБ ходимларининг маслаҳатларига таяниб, иш тутдим. Бизнес-лойиҳамга асосан "Давр-банк" ХАТБнинг Яккасарой филиалидан 20 миллион сўм миқдорида кредит олдим. Мазкур маблағлар эвазига оилавий корхонам учун тикув машиналари ҳамда хомашё сотиб олиб, иш фаолиятимни бошладим. Натижада маҳалладошларим учун ажратилган кредит ёрдамида 4 та янги иш ўрни яратилди. Энг асосийси, банк молиявий кўмагидан унумли фойдаланиб, оилам фаровонлигига ва юртимиз равнақига ҳисса қўшаётганимдан мамнунман.

**Сардорбек АБДУВАЛИЕВ, коллеж битирувчиси, Бўка тумани:**

— Фермерларнинг фаолият тури тобора кўпайиб, улар томонидан чорвачилик, паррандачилик, полиз, сабзавот маҳсулотлари, мева етиштиришни кўпайтиришга, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга, ҳосилдорликни оширишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Биз ҳам халқимиз дастурхонини арзон гўшт ва сут маҳсулотлари билан тўлдиришга астойдил бел боғладик ва ота-онам билан маслаҳатлашиб, чорвачиликни ривожлантиришга аҳд қилдик. Шу мақсадда нуфузли банклардан бири бўлган "Давр-банк" ХАТБнинг Амалиёт бошқармасига мурожаат қилдик. Банк маъмурияти қисқа фурсатда зарур бўлган кредит маблағини ажратиб берди. Мақсадимиз — қорамоллар наслини яхшилаш, кўпайтириш ва янги иш ўринлари барпо этишдир. Ёш тадбиркор сифатида юртимиз аҳолиси дастурхонини сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш бўйича мамлакатимизда олиб борилаётган улкан ишларда ўзимнинг камтарона меҳнатим билан иштирок этиш ниятидаман.

**(Ўз мухбиримиз)**

ИНСОН ва ҚОНУН
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
www.minjust.uz
2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган
ISSN 2010-7897
Бош муҳаррир Қўчқор НОРҚОБИЛ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Усманов Анвар Акрамович, Султонов Алимқул Тошбекович, Очилов Алижон Мухлисович, Мамадалиев Зайниддин Очилович
Навбатчи Ёрбек ИСКАНДАРОВ
Саҳифаловчи-дизайнер Тўлқин РАУПОВ
Нашр индекси: 137
"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 4 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида "Ўзбекистон" нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент ша:ҳри, Навоий кўчаси 30-уй.
Ушбу сонда ЎзА суратларидан фойдаланилди.
Тиражи — 22240. Буюртма S-4871.
Топшириш вақти — 19:00 Топширилди — 19:00
МАНЗИЛИМИЗ: 100077, Тошкент ш. Буюк Ипак йўли кўчаси-1. Тел: 256-60-91, Факс: 256-60-75
Баҳоси келишилган нархда
1 2 3 4 5